

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ НОАНАНАВИЙ ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИ ИМКОНИАТЛАРИ.**

	Кириш	
	Адабиётлар шархи.....	
I боб	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорнинг назарий, ҳуқуқий асослари.	
1.1	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорнинг назарий асослари ва иқтисодиётдаги ўрни.	
1.2	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий таъминоти	
1.3	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш тизими	
II боб	Кўп тармоқли фермер хўжаликларида кичик тадбиркорликни ноанъанавий турларини қўллаш самарадорлиги.	
2.1	Фермер хўжаликларида кичик тадбиркорликнинг ноанъанавий турлари ва уларни қўллаш имкониятлари.....	
2.2	Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда тадбиркорликнинг ноанъанавий турларини қўллаш таҳлили.....	
III боб	Тадбиркорликни ноанъанавий турларини фермер хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини баҳолаш.	
3.1	Ноанъанавий тадбиркорликни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш.....	
3.2	Фермер хўжаликларида тадбиркорликнинг ноанъанавий усулларини қўшиб олиб бориш самарадорлигини баҳолаш.....	
	Хулоса ва таклифлар.....	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти эркин тадбиркорликка, соҳибкорликка асосланган иқтисодиётдир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун иқтисодиётда тадбиркорлик муҳитини яхшилашга ҳамда шу орқали иқтисодиёт тармоқларини янада даромадлигини ошириш, аҳолини иш билан бандлигини яхшилаш, фаровонлигини юксалтиришга эришишдир. Бундай устувор натижаларга эришишда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳамда шу асосда, иқтисодий ўсишга ва миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилгандир.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидланганидек: “..Аҳолимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаorni ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган КБХТ ривожига янада туртки бериш, бу соҳада олдида турган тўсиқларни бартараф этиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гаприш ортиқча деб ўйлайман. Айнан шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном берганмиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналиш яқин ва узоқ келажагимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашигаамин бўлишимиз табиийдир.¹”. фикримизни далили ўлароқ, Айнан шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном берганмиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналиш яқин ва узоқ келажагимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашигаамин бўлишимиз табиийдир”. фикримизни далили ўлароқ, Биз бугун 2013 йилнинг яқунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан// Ўзбекистон овози, 2011 йил 8 декабр, 2 бет.

ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.²

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодийтимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди. Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодий тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда. Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Аҳоли даромадини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш ва мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш, касаначилик асосида иш жойларини иш жойлари ташкил этиш самарадорлигини ошириш, КБХТ ни тараққий эттириш борасидаги ҳукуматимизнинг одилона иқтисодий сиёсати туфайли республикамызда аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик мустаҳкамланади, касаначиликка асосланган юзлаб КБХТ субъектлари минглаган иш ўринлари яратилди, ижтимоий сиёсат янада такомиллашди, давлатнинг КБХТ ва касаначилик фаолиятига аралашуви чекланди, моддий-техник ресурслардан

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

кенг фойдаланишга имкон берадиган барқарор бозор механизми шакилланди. Бироқ, ҳукуматимизнинг мамлактни модернизациялаш, минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, КБХТга янада қулай ишчан муҳит яратиш, янада кенгроқ эркинликлар бериш, бюракратик тўсиқ ва ғояларни бартараф этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш орқали аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлиги, умумий бандликни ошириш сиёсати амалга оширилаётган бугунги кунда республикамиз ва минтақаларда касаначилик асосида кичик бизнесни ривожлантириш муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, минтақаларда кичик бизнеснинг касаначилик асосидаги кооперацион алоқаларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини илмий асослаш, жойларда касаначилик иш ўринларини яратиш орқали кичик бизнесни янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш каби кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни ечишнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Президентимиз И.А. Каримов ўз асарларида “Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради” деб сўзлаган эдилар.

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик ўзининг ихчамлиги ва яширин бозор талабини тезда ўрганиши, ҳаракатчанлиги туфайли кам маблағ сарфлаб маҳаллий эҳтиёжни қондириш учун турли зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаради ва уни бозорга таклиф қила олади. Унинг яна бир муҳим ижобий томони ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий ресурслардан фойдаланади, бу эса маҳсулот таннарҳининг бирмунча арзон бўлишини таъминлайди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик муҳитига таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида уларнинг амал қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан

иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан холда диссертацияда қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Миллий иқтисодиётимизда тадбиркорликнинг назарий методологик асосларини ўрганиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритиб бериш;
- Ўзбекистонда тадбиркорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш;
- Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестицион фаоллигини оширишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиш;
- Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва санациялаш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳоказолар.

Тадқиқотнинг предмети мамлакатимизда кичик бизнеснинг сўнгги йиллардаги фаолияти, уларда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими борасидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг назарий жиҳатлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини ёритишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган иқтисодчи олимлар Чжен В.А., Горфинкель В.А., Дэн Штайнхофф, Джон Баерджнес ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Ғуломов С.С., Абдуллаев А., Х.Айбешов, Қ.Муфтайдинов, Ғозибеков Д.Ғ., Бекмуродов А.Ш., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. асарлари, илмий мақолаларида ифодаланилган.

Тадқиқотдаги илмий янгиликлар: Диссертация ишида объект бўлмиш, Республикада кичик бизнес хўжалик субъектлари, уларнинг фаолияти ҳамда ривожлантирувчи омиллари натижаларидан келиб чиққан илмий янгиликлар

куйидагилардир:

-“Тадбиркорлик”, “хусусий тадбиркорлик”, “бизнес”, “кичик бизнес” тушунчаларига муаллифнинг ўз фикр мулоҳазалари билдирилган ва илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилинган;

- Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда уларни сиёсат, жамият ва иқтисодиёт учун фойдаси нуқтаи назаридан амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

-Республикада замонавий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, маърузалари, фармонлари, мамлакат Олий Мажлиси сессиясида қабул қилинган қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, расмий ҳужжатлар, макроиқтисодиёт Вазирлиги ва Статистика Давлат Қўмитасининг маълумотлари, вилоят статистика бош бошқармасининг ҳисоботлари, илмий мақолалардан диссертацияда кенг фойдаланилган. Диссертацияда тадқиқотнинг таркибий, иқтисодий, функционал ва статистик таҳлил усуллари, мантиқий схемалар ва диаграммалардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари тўғрисида ишлаб чиқилган илмий-назарий ғоялар, амалий таклиф ва тавсиялар республикада кичик бизнес самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлашга ёрдам беради.

Илмий ишдаги илмий ва амалий ғоялар Республика ва ҳудуд тадбиркорлари фаолиятида бевосита қўллаш учун тавсия этилади.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловадан иборат бўлиб, ҳажми 80 бетни ташкил этади.

Адабиётлар шархи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги **“2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”** мавзусидаги маърузаси асосида яратилган ушбу ўқув қўлланмада маърузани ўрганиш бўйича иқтисодий ва ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун махсус курснинг ўқув дастури, ўқув қўлланма, тест саволлари, илмий-назарий атамалар глоссарийси ҳамда умумий назорат саволлари жамланган.

Қўлланма Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ўта муҳим ва долзарб фикрлар, ғоялар, амалий таклиф ва тавсияларни ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида 2012 йил учун белгилаб берилган устувор йўналишлар, мақсад-вазифаларни талаба ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий онгу тафаккурини юксалтириш, тасаввур доирасини кенгайтиришга қаратилган.

Шунингдек, ўқув қўлланмадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар ҳамда юртимизда олиб борилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнларига қизиқадиган кенг китобхонлар фойдаланиши мумкин (Каримов И. А., 2012 й.).

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 21 январь 2011 йили бўлиб ўтган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини

оширишга хизмат қилади” мавзусидаги ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузаларида, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этилиб, 2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркорлиги ва бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастур билан узвий боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган (Каримов И. А., 2011 й.).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларида мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бориши, бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифаларга мустаҳкам замин яратилганлиги ҳақида сўз юритилган. Жумладан, яқинда республикамиз Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий

маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

Президентимизнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Айниқса, 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб номланиши ҳамда бу борадаги махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб етиши йўлида барчамиздан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни талаб этади (Каримов И. А., 2010 й.).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан// Ўзбекистон овози, 2011 йил 8 декабр, Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидланганидек: “..Аҳолимизни иш билан тامينлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаорни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган КБХТ ривожига янада туртки бериш, бу соҳада олдида турган тўсиқларни бартараф этиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гаприш ортиқча деб ўйлайман. Айнан шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном берганмиз нақадар

долзарб эканини ва бу йўналиш яқин ва узоқ келажагимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашига мин бўлишимиз табиийдир”.

Ф.Х. Отахонов, Ғ.А. Саматов, К.Ш. Сирождиновлар ҳам муаллифлигида тайёрланган “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асослари” (2005) номли қўлланманинг асосий мақсади – бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни иқтисодий эркинлашуви, тадбиркорликни ривожлантириш ва уларга қулай шарт-шароитларни шакллантириш шароитида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш, уларнинг аҳамияти ва фойдаланиш имкониятларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Қўлланмада Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вазифалари, аграр соҳада мулкдорлар синфини шакллантиришни жадаллаштиришнинг асослари, янги ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти, маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотиш ва сотиб олишнинг бозор механизмлари, кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш муаммолари батафсил ёритилган.

Н.Тўхлиев, Қ.Ҳақбердиев, Ш.Эрматов, ўз тадқиқотларида (2006) тушунчаси, моҳияти, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муҳитнинг шакллантирилиши, инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва бошқа кўпгина масалалар юзасидан зарурий, қимматли фикрлар билдирилган, мисоллар билан аниқ, тушунарли ифодалаб берилган. Барча тудаги қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини тубдан ўзгартириш учун зарур бўлган омилларни ишлаб чиқиш, текшириш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, тадбирларни амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолаш масалалари баён қилинган.

М.А.Собиров умумий таҳрири остидаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга

оширишнинг асослари» (2003) номли китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тадбиркорларни яқиндан таништириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш нияти бўлган ҳамда ушбу фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорларга ўз бизнесини қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда очиш ва қандай қилиб давлат рўйхатидан ўтказиш, мавжуд молия манбалари ва уларни ўзлаштириш шартлари ҳақида тушунчалар бериш, молия институтлари таклиф этаётган ҳар хил турдаги кредитларни қандай ўзлаштириш ва ушбу жараёнда гаров таъминотини шакллантириш, маркетинг, бизнес-режа ҳақида тушунчалар бериш, технология, ускуналарни қайси фирма ва ташкилотлардан олиш мумкинлиги, мавжуд бозор инфратузилмаси ташкилотлари ҳамда улар таклиф этаётган хизматлар ҳақида маълумотлар бериш ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кўмак бериш масалаларига эътибор берилган.

С.С. Ғуломовнинг “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” (1999) китобида республикамиздаги тадбиркорликка очиб берилган йўллардан келиб чиқиб бизнесни ташкил этиш илмий усулларда таҳлил қилинган. Ҳозирги тез суратлар билан ривожланаётган бизнесни ташкил қилишда қандай масалаларга эътибор бериш муҳимлиги келтирилган. Бозор шароитида эҳтиёжларни амалий тарзда аниқлаш ва уларни самарали равишда қондириш усулларини топиш, талаб ва таклифни мутаносиб ҳолга келтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур табиий муҳитни яратиш имконияти очилиши тўғрисида ва бошқа масалалар ҳақида тўхталиб ўтилган.

I БОБ.КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРНИНГ НАЗАРИЙ, ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорнинг назарий асослари ва иқтисодиётдаги ўрни.

Бозор муносабатларининг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг бозор талаблари доирасида ташкил этилишига ва турли тармоқларнинг ўзаро мутаносиб алоқада бўлишига боғлиқ. Бозор қоидалари ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувига олиб келиб, турли мулк шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий фаолиятининг ўзига хос жиҳатларни шаклланишига олиб келади. Бу жараён иқтисодиёт даражаси ва эркин иқтисодий фаолият учун яратилган шарт-шароитларга мос равишда ўзгариб боради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пойдевори амалдаги бозор иқтисодиётининг таянч нуқталаридан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жараёни ишлаб чиқариш таркибининг маълум даражадаги нисбатини келтириб чиқаради ва иқтисодиёт субъектларида ихчам иқтисодий фаолият турини танлашга, бозордаги ўзгаришларга жавобан тезлик билан ўз фаолиятини ташкил этишга мойилликни шакллантириб боради.

Кичик бизнес тушунчаси талқини барчамизни қизиқтириши табиий ҳол. Чет мамлакатлар қонунчилиги ва илмий адабиётларда иқтисодиётнинг ушбу сектори асосан “майда ишлаб чиқариш”, “кичик тадбиркорлик” ва “кичик бизнес” каби атаmalar билан талқин этилади.

Моҳиятан олиб қараганда, дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида унинг ташкил этилиш мақсадлари ва фаолият кўрсатиш асослари деярли бир хил мазмун ва аҳамият касб этади. Бироқ турли мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда улардаги кичик бизнес субъектларини аниқлашда турлича ёндашилади. Бунда асосан кичик бизнес фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ёки мезонларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 15 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун

3-моддасида «тадбиркорлик фаолияти» тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”.

Кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, уларга бозордаги талабга тез мослаша бориши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти; нисбатан қисқа муддатларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар ва хизматларга бўлган талабни қондира олиши; дастлабки сармоя ҳажмининг нисбатан камлиги; тез орада янги ишчи ўринлари барпо этиш ва бандлик муаммосини ҳал этишга қўмаклашиш имконияти; бизнес эгасининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги бевосита иштироки ва бошқаларни киритиш мумкин.

Иқтисодчи олимлар томонидан эълон қилинган “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза”да³ кичик бизнеснинг иқтисодий жиҳатлари ҳамда манфаатли хусусиятлари қуйидагича ёритилади:

-кичик бизнес – аҳолининг талай қисми учун меҳнатини қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаи, етарли малака ва тажриба бўлмаган, эгилувчан жадвалли иш кунини истаган аксарият меҳнат ресурсларини машғул этувчи меҳнат бозорининг энг мослашувчан қисми. Аёллар, илк бор иш қидираётган ёшлар, маълумоти ва меҳнат тажрибаси юқори даражада бўлмаган шахслар кўпинча фақат шу ердан иш топишлари мумкин. Бу жабҳада машғул кишиларнинг аксарият қисми учунгина эмас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам асосий даромад манбаи бўлиши кичик бизнес миллий фаровонликнинг ўсиши учун муҳим омилга айланганидан далолат беради;

-кичик тадбиркорлик аҳоли орасида иш юритиш ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, унинг бозор муносабатларига мослашганлик


³ Г.Саидова ва бошқалар, “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза”, Ўзбекистон, 2000.

даражасини оширишда потенциал самарали воситадир. У фуқароларга нафақат ўз ишчи кучи, балки ўз мулки, жумладан, ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулк эгаси бўлишига имкон яратиб, ўрта синф-жамиятнинг прогрессив тараққиётини таъминлашга қодир, демократия ва ижтимоий барқарорликдан манфаатдор ижтимоий қатламнинг шаклланиши учун асос яратади;

-кичик бизнес бутун иқтисодиётнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. У истеъмол талабининг ўзгаришларига ҳаммадан тез мослашади, иқтисодий вазиятнинг тебранишларига мувофиқ тарзда ўз фаолияти ихтисосини тез ва нисбатан асоратсиз ўзгартира олади;

-кичик бизнес иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини яхшилайти.

Алоҳида шахс учун эса кичик бизнес билан шуғулланиш банд бўлиш ва даромад олишга, иши ва шахсий ҳаётини яхлитроқ бирлаштиришга, ўз қобилияти ва истеъдодини намоён қилишга имкон яратади.



1.1.1. Чизма. Тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши⁴.

Иқтисодий нуқта назардан кичик бизнес товар ва хизматларнинг айрим турларини маҳаллий бозорда айирбошлаш учун таклиф этиш орқали даромад топиш фаолияти билан шуғулланувчи қатламни ифодалайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кичик бизнес бир ёки бир неча кишиларнинг иқтисодий

⁴ З.Холмухамедова З.Закирова ва бошқалар “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” тўғрисидаги маъруза матни - Тошкент 2008 йил

манфаатлари доирасидаги фаолияти орқали маълум товар ва хизматларни ишлаб чиқаришлари, бунинг натижаси ўлароқ ўзларининг максимал эҳтиёжларини қондиришлари борасидаги иқтисодий муносабатларидир. Содда қилиб айтганда, кичик тадбиркорлик хўжалик юритишнинг ихчам шаклларига асосланган механизмнинг қарор топиши, унинг объектив тарзда мавжуд бўлишини таъминлайди.

Илгарилари кўшимча пул топиш учун кичик бизнес билан шуғулланиш кўпроқ истеъмолни максимал қондиришга қаратилганлиги нуқтаи назардан талқин қилинган. Ҳозирги давр бозор иқтисодиётида эса унинг ўрнини ишлаб чиқариш фаолияти билан баҳолаш талаб этилади. Бунда кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш хусусиятларини таҳлил этиш, унинг иқтисодий даражасига баҳо бериш, ихтисослашув йўналишларини аниқлаш ва эркин иқтисодий фаолиятларини таъминлашда давлатнинг ролини кучайтириш масалаларини чуқур ўрганишни тақазо этади.

Маълумки, иқтисодиёт субъектлари сифатида давлат сектори ва хусусий сектор фаолият кўрсатади. Кичик бизнес хусусий секторнинг маълум бир қисми бўлиб, унинг фаолияти хусусий ёки мулкӣ улуш орқали амал қилади.

Кичик бизнеснинг муҳим жиҳати шундаки унда қон-қариндошлик алоқалари ва ўзаро иқтисодий ҳаётнинг бирлиги ва натижаларнинг умумий ўзлаштирилиши мавжуд бўлади. Бундай фаолият кичик гуруҳлар, айрим шахслар ва оиланинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга асосланади.

Кичик бизнесда иқтисодий ҳамкорлик имкониятлар даражасида амалга оширилади ва иқтисодий ҳолат мустаҳкамланиб борилади. Кичик бизнес мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми сифатида унинг иқтисодий асосини ташкил этади ва умумиқтисодий жиҳатдан муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги даврда кичик бизнес жамиятда ишлаб чиқариш қанчалик кенг тарқалган ва мустаҳкам бўлса, мамлакат иқтисодиёти шунчалик барқарор ривожланган бўлади ва у иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

**Тадбиркорлик фаолияти
турлари**



1.1.2. Чизма. Тадбиркорлик фаолияти турлари⁵.

Кичик бизнес нафақат иқтисодий жиҳатдан, шу билан бирга ижтимоий жиҳатлари ҳам алоҳида эътиборга молик. Кичик бизнес кишиларнинг ижтимоий мавқеини, иқтисодий шарт-шароит ва жамиятда таркиб топган миллий анъаналарни ўзида мужассамлаштиради, уларнинг сақланиши ва авлоддан авлодга ўтиб боришини таъминлайди.

Жамиятдаги сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва ижтимоий муносабатлар кичик бизнесга ўз таъсирини ўтказди. Бу муносабатлардаги ўзгаришлар кичик бизнеснинг таркибан ўзгариб боришига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлатнинг иқтисодий сиёсати, унинг самарадорлиги кичик бизнеснинг ривожига тўғри ёки тескари пропорционал нисбатда юзага чиқади.

Кичик тадбиркорликни кичик бизнеснинг муҳим бўғини деб қараш мумкин. Иқтисодиётнинг хаддан зиёд мафкуралашуви кичик бизнеснинг иқтисодий аҳамиятини пасайишига олиб келади. Кичик бизнес субъектлари мамлакат иқтисодиётида мустаҳкам мавқега эга эга бўлиб бораётганликлари, уларнинг таъсири кўчаяётганлиги алоҳида қатлам сифатида аҳамият касб этишини белгилайди. Шунинг учун уларнинг ички таркиби ҳам турли шакллар ва мақомлари билан изоҳланади. ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари мақомини белгилашда ишловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда ёндашилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистонга хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мулк шаклидан қатъий назар тармоқ йўналишига қараб қўйилган миқдорий кўрсаткичлар белгиланган:

- ишлаб чиқариш соҳасидаги микрофирмаларда 10 нафаргача;
- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларда 5-нафаргача;
- ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик корхоналарда 40 нафаргача;
- қурилиш, қишлоқ хужалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача;

⁵ З.Холмухамедова З.Закирова ва бошқалар “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” тўғрисидаги маъруза матни - Тошкент 2008 йил.

- илм-фан, илмий, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида 10 нафар кишини ташкил этади.

Шу билан бирга, кичик корхоналар учун йилига белгиланганидан ортик, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, қурилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода-30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларда кўпи билан 20 нафар кишидан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, кичик бизнес кўламини янада кенгайтириш улар фаолиятини атрофлича ўрганиш орқали таъминланмоқда. Маълумотларга кўра, кўпчилик кичик фирмалар ва фермер хўжаликларида ишлайдиганлар сони 5-6 кишини, республика бўйича ўртача битта фермер хўжалигига 6,6 киши тўғри келади. Кичик бизнес миқдорий хусусиятлари шундаки, унда банд бўлганлар сони озчиликни ташкил этиши билан бирга, асосан оила аъзолари ёки оиланинг яқин қариндошларидан иборат. Шу билан бирга айрим кичик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар иқтисодий муносабатлари ёлланма меҳнатга асосланганлиги сабабли уларда қон-қариндошчилик муносабати кам учраши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш асосида соғлом рақобатчилик муҳитини шакллантириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали таъминланмоқда. Бунда йирик ишлаб чиқариш билан кичик бизнес субъектларининг ўзаро алоқалари соғлом рақобат орқали амалга оширилиши муҳим ҳисобланади. Давлатнинг иқтисодий сиёсати ҳам йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашга йўналтирилган.

Бизнингча, юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, кичик бизнес таркибига:

- саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги микрофирмалар;
- кичик деҳқон ва фермер ҳамда томорқа хўжаликлари;

- якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ҳунармандчилик дўконлари, устахоналар;

- ихчам хизмат турларини кўрсатувчиларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилар хусусий ёки шерикчилик асосида шакллантирилган фаолият асосида хўжалик юритувчи субъектлардан ташкил топади ва катта ҳажмда бўлмаган товар ёки хизматлар яратувчилардан иборат бўлади. Бундай ҳолат иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида қулай иқтисодий фаолиятни қарор топишини белгилаб беради.

Кичик бизнеснинг аҳамиятига XX асрнинг охирида жиддий эътибор қаратила бошланди. Чунки, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг жадаллашуви йирик ишлаб чиқаришга кўра кичик тадбиркорлик ва хусусий бизнеснинг қулайликлари афзал эканлигини тасдиқлади.

Бизга маълумки, кичик бизнес корхоналари йирик корхоналар учун чекланган доирадаги буюртмаларини бажаришлари мумкин деган қараш ҳозир ҳам мавжуд. Лекин, иқтисодиётнинг янада эркинлашуви ва глобаллашуви жараёнлари иқтисодий самарадорликнинг янги даврини бошлаб берди ва кичик бизнес корхоналари ҳиссасининг ортиб боришини, уларнинг бозор тизимидаги ўрни ва аҳамиятининг ортишини таъминлади. Натижада кичик бизнес субъектлари йирик корхоналар билан рақобатлашишидаги ўрнини мустаҳкамлаб, муҳим стратегик рақибга айлана бошлади.

Маълумотларга кўра, дунё миқёсида яратилган кўплаб кашфиётлар алоҳида шахслар томонидан кичик корхоналарда юзага келган. Таъкидлаш жоизки, XX асрда ишлаб чиқаришга жорий этилган 63 та йирик кашфиётлардан 49 таси кичик бизнес субъектлари томонидан тақдим этилган. Кичик бизнес субъектлари истеъмолчилар учун зарур бўлган товар ва хизматларни, хусусан фармацевтика, электроника, енгил саноат ва шу каби соҳаларида кўплаб яратилган. Юқорида қайд этилганлардан хулоса қилиш мумкинки, кичик бизнес нафақат индивидуал

манфаатларни фойда олиш нуктаи назардан, шу билан бирга илм-фаннинг ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини, унинг табиатини англашда бир қанча ёндашувларни ҳисобга олиш керак. **Биринчидан**, кичик бизнес ўзининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатидан алоҳида мақомга эга. **Иккинчидан**, унда мулк ва мулкый муносабатлар табиати конкретлашган кўринишда булади. **Учинчидан**, кичик бизнесда ихтисослашув даражаси ва соҳаси бозорга ишлаши билан белгиланади. Булар кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини юзага чиқаради.

Кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда куйидагиларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Ихтисослашуви жиҳатидан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.
2. Мулк ва мулкый мақом жиҳатидан – давлат ва нодавлат мулк.
3. Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатидан – юридик шахс ёки юридик шахс бўлмаган.
4. Бозорга ишлашига кўра – тўла, қисман ёки истеъмолга асосланган.
5. Соҳа ва тармоққа мансублиги жиҳатидан – саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш.

Кичик бизнес таркибан турли-туманликка эга бўлиб, у саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалик соҳаларида мавжуд бўлади. Масалан, кичик бизнес ўз кўламига кўра, қишлоқ хўжалигида, айниқса томорқа хўжалигини юритиш орқали ҳам юзага чиқиши мумкин. Ҳозирги даврда томорқа хўжалиги кичик бизнеснинг таркибий элементи сифатида қаралмаган. Лекин унинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида томорқа хўжалиги эркин ва тенг ҳуқуқли тадбиркорлик фаолиятига айланмоқда. Чунки томорқа хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида мақомига эга бўлди ва у қонун билан ҳимоя этилган. Томорқа хўжалигининг ҳуқуқий кафолатлари кўпроқ Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги

тўғрисида”ги қонунида акс эттирилган. Унда деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши ва реализация қилиши белгилаб қўйилган.

Бизнингча томорқа хўжалиги кичик бизнеснинг бир тури сифатида қишлоқдаги кичик агро-бизнеснинг таркибий элементини ташкил этади. Томорқа хўжалиги ўтиш давридаги майда товар уклад доирасида мавжуд бўлиб, умрбод фойдаланишга берилган ерни ишлатиш орқали тадбиркорлик билан шуғулланишнинг омилига айланган. У катта бўлмаган капиталга таянади ва оила аъзоларининг меҳнатига асосланади. Томорқа хўжалигида меҳнатнинг оила аъзолари ўртасида тақсимланиши ёлланма ишчиларга бериладиган ҳақни тежашни таъминлайди. Томорқада етиштириладиган маҳсулотни оиланинг узи хусусий мулкдор сифатида тасарруф этади ҳамда ундан келган даромад оила эҳтиёжларини қондиришга ва қўшимча даромад топишга йўналтирилади.

Томорқа хўжалигининг иқтисодий аҳамияти турли оилалар учун бир хил даража касб этмайди. Айрим оилалар томорқа хўжалигидан асосий даромад манбаи сифатида фойдаланади, бошқа оилалар учун эса қўшимча даромад топиш манбаи ҳисобланади. Шунинг учун томорқа хўжаликлари бир-биридан фарқланади. Бизнингча томорқа хўжалигини кичик бизнеснинг тури сифатида туркумлашда ундан келадиган даромаднинг оила учун аҳамиятига эътибор қаратиш керак. Шу нуқтаи назардан қаралганда уларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Томорқа хўжалиги иқтисодий фаолият субъектларининг асосий даромад манбаи сифатида юзага чиқади. Томорқадан топилган даромад оила эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

2. Томорқа хўжалиги нафақат оиланинг эҳтиёжларини қондириши, балки шу билан бирга қўшимча даромад ҳосил этиб, пул капиталининг шаклланишига асос

яратади. Шу орқали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қарор топади. Бунда оилавий товар хўжалиги бозорга ишловчи субъектга айланади, лекин улар ҳар хил даража касб этади. Бунга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Буларга оиланинг таркиби, томорқада меҳнат қилувчилар сони, томорқанинг ер майдони, инфратузилмаларга яқинлиги, жойлашган ери ва бошқа омилларни киритиш мумкин. Санаб ўтилган омиллар томорқа хўжалигидан келадиган даромаднинг ҳар хил бўлишига олиб келади.

3. Томорқа хўжалиги кўшимча даромад келтирувчи манба ҳисобланади. Бунга кишилар ихтиёридаги ер участкалари, дала ҳовлилар, вақтинча фойдаланишга берилган ерлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Кўшимча даромад оила аъзоларининг дам олиш кунларида, меҳнат таътили вақтларида ёки ишдан бўш вақтларда қилинган меҳнат натижалари орқали юзага келади.

Айтиш мумкинки, қишлоқ жойларда томорқа хўжалиги оила эҳтиёжларини қондиришларида муҳим даромад манбаига айланиб қолган. Бизнингча, бундай ҳолатни турлича баҳолаш мумкин:

Биринчидан, томорқа хўжалиги ўтиш даврида иқтисодий қийинчиликларни юмшатишни таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, бозор муносабатларининг ривожига туртки бўлади.

Учинчидан, ички бозорни тўйинтириш манбаига айланади.

Тўртинчидан, жойларда қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг хом-ашё базасини мустаҳкамлайди.

Бешинчидан, кишиларда тижоратга бўлган қизиқишни кучайтиради.

Олтинчидан, кичик бизнеснинг таркибан ва шаклан такомиллашиб боришига кўмаклашади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнеснинг аҳамияти иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш орқали белгиланиши зарур. Бунинг учун эса бозор инфратузилмасини ривожлантириш, бозорни ўрганувчи ташкилий тузилмаларни давлат йўли билан шакллантириш, экспортни рағбатлантирувчи чора-тадбирларни

ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш, айниқса, арзон ва замонавий ишлаб чиқариш технологияларни қўлланилишига кенг устуворлик бериш зарур.

Бизнингча, кичик бизнеснинг иқтисодий мазмунини бозор муносабатларининг ривожланганлик даражасига ва давлатнинг иқтисодий сиёсатига нисбатан талқин этиш зарур. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кичик бизнес анъанавий мавжуд бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари доирасида амал қилади. Кичик бизнес мураккаб бўлмаган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини, фермер ва деҳқон хўжалиklarини қамраб олади. Кичик бизнес учун меҳнат ресурслари миқдоран кўп бўлсада, аммо унча катта бўлмаган асосий капиталга эга. Меҳнат ресурсларининг ўсиши ҳисобига у ўз ишлаб чиқаришини ўстириши ва зарур бўлса уни диверсификациялаш қобилиятига эга бўлади.

1.2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий таъминоти.

Яқин ўтмишда биз жамиятимиз капитализмдан социализмгача бўлган йўлни муваффақиятли равишда босиб ўтиб, ривожланган социализм даврига кирди ва эндиликда шубҳасиз коммунизм сари қадам ташлаб бориши керак деб ҳисоблар эди. Лекин ҳаёт бу фикрни нотўғри эканлигини кўрсатди.

Бугунги кунда Республиканинг кўпгина шаҳарлари ва хусусан пойтахтидаги бозор ва савдо расталарини айланиб чиқадиган бўлса, бунга бутунлай аксинча манзарани кўриш мумкин, лекин, афсуски, бу - янги бозор механизми тўла ғалаба қозонди деган гап эмас, хали. Лекин ҳеч ерда, ҳеч нарса тез ва осон қад кўтара қолмайдида. Жамиятнинг эскича русумдан янгичасига ўтиши, одатда, бемашаққат ва биз истаганча тез битмаслиги жаҳон тажрибасидан маълум. Президентимиз кўрсатиб берган беш тамойил ва бозор механизмига сакраб-сакраб эмас, балки босқичма-босқич ўтиб бориш – ўз иқтисодиётимизнинг моделини шакллантириш ва маданиятга эришган жамият қуришнинг асосига қуйидаги хусуситялар ана

шулардир. Булар тамомила тушунарлидир, улар Республиканинг ўзидагина эмас, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам тегишлича қўллаб-қувватланмоқда.⁶

Кичик бизнес таркибан турли-туманликка эга бўлиб, у саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалик соҳаларида мавжуд бўлади. Масалан, кичик бизнес ўз кўламига кўра, қишлоқ хўжалигида, айниқса томорқа хўжалигини юритиш орқали ҳам юзага чиқиши мумкин. Ҳозирги даврда томорқа хўжалиги кичик бизнеснинг таркибий элементи сифатида қаралмаган. Лекин унинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида томорқа хўжалиги эркин ва тенг ҳуқуқли тадбиркорлик фаолиятига айланмоқда. Чунки томорқа хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида мақомига эга бўлди ва у қонун билан ҳимоя этилган. Томорқа хўжалигининг ҳуқуқий кафолатлари кўпроқ Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунида акс эттирилган. Унда дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши ва реализация қилиши белгилаб қўйилган.

Бизнингча томорқа хўжалиги кичик бизнеснинг бир тури сифатида қишлоқдаги кичик агро-бизнеснинг таркибий элементини ташкил этади. Томорқа хўжалиги ўтиш давридаги майда товар уклад доирасида мавжуд бўлиб, умрбод фойдаланишга берилган ерни ишлатиш орқали тадбиркорлик билан шуғулланишнинг омилига айланган. У катта бўлмаган капиталга таянади ва оила аъзоларининг меҳнатига асосланади.

Томорқа хўжалигида меҳнатнинг оила аъзолари ўртасида тақсимланиши ёлланма ишчиларга бериладиган ҳақни тежашни таъминлайди. Томорқада етиштириладиган маҳсулотни оиланинг узи хусусий мулкдор сифатида тасарруф

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7февралдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”1474-сонли давлат дастури тўғрисидаги Қарори.

этади ҳамда ундан келган даромад оила эҳтиёжларини қондиришга ва қўшимча даромад топишга йўналтирилади.

Томорқа хўжалигининг иқтисодий аҳамияти турли оилалар учун бир хил даража касб этмайди. Шунинг учун томорқа хўжаликлари бир-биридан фарқланади. Бизнингча томорқа хўжалигини кичик бизнеснинг тури сифатида туркумлашда ундан келадиган даромаднинг оила учун аҳамиятига эътибор қаратиш керак. Шу нуқтаи назардан қаралганда уларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Томорқа хўжалиги иқтисодий фаолият субъектларининг асосий даромад манбаи сифатида юзага чиқади. Томорқадан топилган даромад оила эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

2. Томорқа хўжалиги нафақат оиланинг эҳтиёжларини қондириши, балки шу билан бирга қўшимча даромад ҳосил этиб, пул капиталининг шаклланишига асос яратади. Шу орқали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қарор топади. Бунда оилавий товар хўжалиги бозорга ишловчи субъектга айланади, лекин улар ҳар хил даража касб этади. Бунга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Буларга оиланинг таркиби, томорқада меҳнат қилувчилар сони, томорқанинг ер майдони, инфратузилмаларга яқинлиги, жойлашган ери ва бошқа омилларни киритиш мумкин. Санаб ўтилган омиллар томорқа хўжалигидан келадиган даромаднинг ҳар хил бўлишига олиб келади.

3. Томорқа хўжалиги қўшимча даромад келтирувчи манба ҳисобланади. Бунга кишилар ихтиёридаги ер участкалари, дала ҳовлилар, вақтинча фойдаланишга берилган ерлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Қўшимча даромад оила аъзоларининг дам олиш кунларида, меҳнат таътили вақтларида ёки ишдан бўш вақтларда қилинган меҳнат натижалари орқали юзага келади.

Айтиш мумкинки, қишлоқ жойларда томорқа хўжалиги оила эҳтиёжларини қондиришларида муҳим даромад манбаига айланиб қолган. Бизнингча, бундай ҳолатни турлича баҳолаш мумкин:

Биринчидан, томорқа хўжалиги ўтиш даврида иқтисодий қийинчиликларни юмшатишни таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, бозор муносабатларининг ривожига туртки бўлади.

Учинчидан, ички бозорни тўйинтириш манбаига айланади.

Тўртинчидан, жойларда қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг хом-ашё базасини мустаҳкамлайди.

Бешинчидан, кишиларда тижоратга бўлган қизиқишни кучайтиради.

Олтинчидан, кичик бизнеснинг таркибан ва шаклан такомиллашиб боришига кўмаклашади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнеснинг аҳамияти иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш орқали белгиланиши зарур. Бунинг учун эса бозор инфратузилмасини ривожлантириш, бозорни ўрганувчи ташкилий тузилмаларни давлат йўли билан шакллантириш, экспортни рағбатлантирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш, айниқса, арзон ва замонавий ишлаб чиқариш технологияларни қўлланилишига кенг устуворлик бериш зарур. Шулар орқали кишлок хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари янада кенгайиб боради.

Тадбиркорларнинг мажбуриятлари қуйидагилардир:

- амалдаги қонун ва тузилган шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;

- ишга ёлланиб олинаётган фуқаролар билан шартномалар тузиш (агар зарурат туғилса) қонун асосида жамоа шартномасини тузиш. Ёлланган ишловчиларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қасаба уюшмаларига бирлашишлари тўсқинлик қилиши мумкин эмас;

- меҳнат шартномаларида ишловчиларга белгиланган малака даражасини, республика ҳукумати томонидан белгиланган минимал иш ҳақидан кам бўлмаган иш ҳақи миқдорини ва бошқа ижтимоий – иқтисодий кафолатларни инобатга олиш;

- давлат ижтимоий – суғурта фондига ёлланиб ишлаётган шахслар учун суғурта ажратмаларини республика қонунларида кўрсатилган усул ва белгиланган миқдорларда тўлаб бориш;

- амалдаги фойда ва йўриқномалар асосида атроф – мухит (экология) хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитария ва гигиенаси ва маданиятини юксалтириш бўйича чора – тадбирларни амалга ошириш;

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кичик бизнес анъанавий мавжуд бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари доирасида амал қилади. Дастлаб, кичик бизнес йирик ишлаб чиқаришга рақиб бўлишга қаратилган бўлмайди ва у моҳиятан кичик ишлаб чиқариш доирасида амал қилади. Кичик бизнес мураккаб бўлмаган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини, фермер ва деҳқон хўжалиklarини қамраб олади. Меҳнат ресурсларининг ўсиши ҳисобига у ўз ишлаб чиқаришини ўстириши ва зарур бўлса уни диверсификациялаш қобилиятига эга бўлади.

2.1.1.Жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорни назарий асослари ва миллий

иқтисодиётдаги ўрни⁷

1	Инсон омилига ва фаоллаштиришга эътиборни кучайтириш. Бунинг учун биринчи навбатда жойларда ташкил этилган ахборот-консалтинг марказларини ишини жонлантириш;
2	Аграр фанни ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
3	Фермер хўжалиklarининг молиявий имкониятлари чегараланганлиги сабабли замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш (шу жумладан кредит ҳисобидан) ёки лизингга сотиб олиш;
4.	Инфратузилма объектларининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;
5.	Қишлоқ хўжалик экинларини ҳудудларнинг ихтисослашуви ва маҳаллий шароит асосида жойлаштириш, тизимини такомиллаштириш;
6.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳани экспорт салоҳиятини янада ошириш;
7.	Чорвачиликни комплекс ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш;

⁷ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тайёрланган

ТАҒАВ

**2.1.1-чизма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти
ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий босқичлари⁸**

⁸ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тайёрланган

2.1.2- чизма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти⁹

II БОБ.КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ НОАНЪАНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ.

2.1. Фермер хўжаликларида кичик тадбиркорликнинг ноанъанавий турлари ва уларни қўллаш имкониятлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда”

Дарҳақиқат, мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизациялаш бўйича амалга оширилфётган ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохатлар ўз ерига ва даромадига эга бўлган мулкдорлар қатламини шакиллантириш ҳамда қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3512 сонли Фармойишида белгиланган тадбирларни амалга оширилиши натижасида, **жами 66 минг 134 га фермер хўжаликларига 5 млн. 295 минг гектар ер майдонлари бириктирилиб, ўртача пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида - 106 га, сабзавотчилик-полизчиликда - 23 га, боғдорчилик ва узумчиликда - 13 га, чорвачиликда – 205 га ер майдонлари тўғри келмоқда.**

Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2013 йилда

⁹ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тайёрланган.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта

хомашёси етказиб берилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўзининг пешона тери, қадоқ қўллари билан мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётган, эл-юртимиз фаровонлигини таъминлаётган барча қишлоқ меҳнатчиларига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик ва хурмат-эҳтиром билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжалиқларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими – деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш, десам, ўйлайманки, барчангиз менинг фикримга қўшиласиз.

Фақат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда деҳқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш – бу қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича биз танлаган йўлдир.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Хабарингиз бор, ўтган йили 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилдик. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжаликларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши даркор. Вазирлар Маҳкамаси мазкур дастур ижроси устидан тизимли назорат ўрнатсин.

Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда. Биз ўтган йилнинг бошида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқладик. 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди. 2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган

йилнинг шу даврига нисбатан 5,7 фоизга ошди.

Барча тоифадаги хўжаликлариди асосий ва оралик майдонларда **сабзавот, картошка, полиз, мева ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажми ўртача 9-22 фоизга, тирик пилла етиштириш 7 фоизга кўпайди.**

Фермер хўжаликлари даромадларини янада ошириш мақсадида кичик тадбиркорликни ноанъанавий турларидан фойдаланиб сохани кенгайтириб даромадни оширмоқда.

Айни пайтда республикада **66134 та фермер хўжалиги бўлиб**, уларнинг 35896 таси пахтачилик ва ғаллачилик, 3647 таси сабзавот ва полизчилик, **16964 таси боғдорчилик ва узумчилик**, 5329 таси чорвачиликка ихтисослашган. Шу билан бирга, 4 млн. 788 минг 184 та деҳқон хўжалиги (аҳоли ёрдамчи хўжаликлари билан бирга)нинг 41616 таси юридик мақомга эгадир. Соҳа мутахассислари мамлакатда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоиздан зиёди ана шу субъектлар ҳиссасига тўғри келаётганини эътироф этмоқдалар.

Зеро, юртимизда фермерликни ривожлантиришга қаратилган, унинг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини кафолатловчи қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида самарали фаолият кўрсатиш учун етарли ҳуқуқий асос ва қулай муҳит яратилган.

2.1.1 Расм Республикада фермер хўжаликларининг сонини ўзгариш динамикаси.

Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳа фаолиятини бутунлай янги босқичга кўтариш имконини берди.

Аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз самарасини берди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан кафолатли барқарор таъминлаш учун барча минтақаларда уларнинг нархлари сўнги 3 йил давомида деярли ўзгармади.

Фермерларимиз ютуқларида муҳим омил бўлмоқда Аниқ мақсад ва бизнес-режа асосида иш юритган жамоа улкан ютуқларга эришиши, шубҳасиз. Қарши туманидаги “Бахт” фермер хўжалиги фаолияти бунга

якқол мисол бўла олади. Бундан ўн икки йил аввал тўрт киши билан чорвачилик йўналишида иш бошлаган мазкур хўжалик дастлаб 150 бош қорамол парваришини йўлга қўйган эди. Айни пайтга келиб, бу ерда қорамоллар сони 600 бошга етди. Ўтган йили 310 тонна сут, 28 тонна гўшт етиштирилди, 134 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрилди.

Илгари маҳсулотларимизни, асосан, маҳаллий аҳолига сотар эдик, дейди фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров. Банкдан 160 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, замонавий технология харид қилгач, бир кеча-кундузда 3 тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга цехни ишга туширдик. Эндиликда 9 турдаги сут маҳсулотларини республикаимиз бозорларига қадоқланган ҳолда етказиб бераёلمиз. Яқинда эса украиналик ҳамкорлар билан қиймати 100 минг АҚШ долларилек гўштни қайта ишлаш ускунасини харид қилиш бўйича шартнома имзоладик. Демак, бу йил хўжалигимизда тайёрланаётган гўштни ўзимизда қайта ишлаш имконияти ҳам вужудга келади. “Излаган имкон топади”, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, интилган, келажакка ишонч билан қараган инсон, албатта, ниятига етади. “Бахт” фермер хўжалиги тасарруфидаги ернинг бир қисми тепаликлардан иборат бўлиб, ундан деҳқончиликда фойдаланишнинг имкони йўқ эди. Иброҳим Холёров ўтган йили айнан ушбу майдонда паррандачилик фермасини ташкил этди. Қарангки, бир йил ичида товук, курка, ғоз ва ўрдаклар сони 3 мингтадан ошиб, ҳатто тухум ва парранда гўшти бозор расталарига ҳам етиб борди. Ташландиқ жарликдаги 2 гектарлик ҳовузда боқилаётган балиқларга эса буюртмалар сони тобора ортиб бормоқда. Маълумки, чорва учун, аввало, озуқа зарур. Шу мақсадда 150 гектарлик бедазор ташкил этилган. Ҳар йили унинг 10-15 гектари уруғликка қолдирилади. Бу жамоага қўшимча маблағ келтириш баробарида, бедазорларнинг мунтазам янгиланиб туришига хизмат қиляпти. Бундан ташқари, “Бахт”да амалга оширилаётган ишларни тарғиб қилиш учун ўтган йили хўжалик қошида “Маслаҳат маркази” фаолияти йўлга қўйилган эди. Ушбу марказга фермерлар уюшмаси, вилоятдаги Уруғчилик ва дуккакли

Ўсимликлар илмий текшириш институти ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали олимлари тез-тез ташриф буюриб, фермерларга чорвачилик, деҳқончилик ва бошқа йўналишларда амалий тавсиялар бераётганлари ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Айниқса, ҳудуддаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ва фермер хўжалиги ўртасидаги ҳамкорликка ҳавас қилса арзийди. Сабаби, мазкур коллежнинг аксарият ўқувчилари “Бахт” фермер хўжалигида амалиёт ўтаб, иш ўрганишмоқда. Ўтган йилда икки томонлама имзоланган шартномаларга биноан, 14 нафар битирувчи хўжаликка ишга қабул қилинди. Жорий йилда эса яна 25 нафар ёш мутахассис билан шартнома тузиш мўлжалланмоқда. “Бахт” фермер хўжалигида олиб борилаётган ана шу ишлар бугун бутун республикага ёйилди. Иброҳим Холёров Президент соврини учун ўтказилган “Ташаббус 2012” кўрик-танловининг республика босқичида “Энг яхши фермер” номинацияси бўйича ғолиб бўлгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Зеро, ибратли ташаббуслар, илғор тажрибалар қанчалик тез оммалашса, республикамиз иқтисодиёти ҳам шу даражада жадал суръатларда ривожланаверади.

Фуқаролар тадбиркорлик фаолиятида моддий жавобгарликни амалдаги қонун қоидалар асосида олиб борадилар ва бутун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар.


Тадбиркор давлат қонунларига зид бўлмаган турли йўналишда фаолият кўрсатувчи корхоналар (фирмалар), ташкилотларни ташкил этишлари мумкин.

Тадбиркор мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини тузиш, ўз маҳсулотига истеъмолчиларни танлаш, уларга Ўзбекистон Республикаси давлат қонунлари ва шартномалари асосида нарх белгилаш ва шартномалар тузиш, корхона даромадидан мустақил фойдаланиш, мажбурий тўловлардан қолган қисмига ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга.

Республиканинг деҳқон ва фермер хўжаликларида маҳсулотларни қайта ишлайдиган цехлар ва кичик заводлар бунёд қилинмоқда. Ҳозирги даврда тахминий ҳисоботларга кўра 1200 дан ортиқ консерва ва қуритилган мева тайёрлайдиган ва 400 дан ортиқ вино ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият

кўрсатмоқда. Кейинги йилларда ҳам саховатли заминимизда етиштирилган мева ва узумлардан таёрланган маҳсулотларга. Дунё бозорида талаб ортиб борапти. Негаки, офтоб нурига тўйиб болга айланган мева ва узумларимизни витаминларга бойлиги билан тенгсиз саналади-да. Шу боис асосий шерикларимиз Россия Федерацияси, Болтиқбўйи республикалари, Қозоғистон, Молдова ва бошқа МДҲ давлатлари қаторидан Италия, Германия, Франция, Чехия, Польша, Англия каби ўнглаб Европа давлатлари ҳам муҳим ўрин эгаллади. Мустақиллик шарофати ила хатто кунчиқар давлатлар ҳам бизнинг мева- чеваларимизга катта қизиқиш билдирмоқда.

Натижада Республика бўйича 2012 йилда **сабзавот ишлаб чиқариш** 5 млн. 704,7 минг тонна ёки 2009 йилга нисбатан 1,7 мартаба, **полиз** – 1 млн. 100 минг тонна ёки 1,9 мартаба, **картошка** – 1 млн. 523,5 минг тонна ёки 1,7 мартаба, **мева** – 1 млн. 542,9 минг тонна ёки 1,8 мартаба, **узум** - 899,6 минг тонна ёки 1,5 мартаба кўпайди.



2.1.2 Расм. Ўзбекистонда мева, узум, картошка, сабзавот, полиз экинлари майдони (минг га).

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири

маркетологлар ва менежерлар тайёрлайдиган ўқув марказлари ва уларнинг тармоқларини, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва тиклашга ёрдам кўрсатадиган турли хизмат турлари, маслаҳат берувчи бюро ва фирмалар ташкил қилишдир. Ҳар хил мулк шаклига эга бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан тадбиркорлар жамоа ташкилотлари тизими шакллантирилади. Улар ичида энг йириги ва юқори обрўга эга бўлганлари: илмий – саноат ассоциацияси, тадбиркорлар ва ижарачилар иттифоқлари, товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатаси ва бошқалардир.

Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Буни авваламбор иқтисодийимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгилашлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини

берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмониغا 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўзининг пешона тери, қадоқ кўллари билан мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётган, эл-юртимиз фаровонлигини таъминлаётган барча қишлоқ меҳнатчиларига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик ва ҳурмат-эҳтиром билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжалиқлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда

бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, тадбирколарни қишлоқ хўжалиги соҳаларида мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хом-ашё базаси яратилмоқда.

2013 йил якунларига кўра мамлакатнинг ЯИМ 8% га, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8% га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8% га кўпайди. 2013 йилда 2000 йилги мамлакатимиз ЯИМ да қишлоқ хўжалигининг улуши 30,1% дан 16,8% га тушди, лекин қишлоқ хўжалигининг ЯИМ даги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8% га, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради, мамлакатимизда бу борадаги ютуғимиз ЯИМ таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгандир.

2.1.3. Расм. Ўзбекистон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ЯИМдаги улуши ошиб бормоқда

Фикримизни далили ўларок, 2013 йил якунларига кўра, ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМ даги улуши 55,8 фоизни, бандлар сонидagi улуши 74,5 фоиздан кўпроқни ташкил этиши кутилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

2.2. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда тадбиркорликнинг ноънанавий турларини қўллаш таҳлили.

Маълумки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги олдида қўйилган асосий мақсад – табиат омиллари ва моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш асосида сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб молиявий барқорарликка эришиш ҳисобланади, Айни пайтда бу жараён фермер хўжалигида ишловчиларнинг ойлик дармадаларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва муносиб меҳнат шароитини яратиш бериш билан бирга олиб борилиши лозим.

Юқоридаги мақсадга эришиш фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали ҳал этилиши қийин бўлган масала ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ўзининг хусусиятларига боғлиқ равишда одатда ишлаб чиқарувчига нисбатан кам даромад келтиради.

Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши даври бўйича

яққол мавсумий тавсифга эгаллиги боисдан маҳсулот ёппасига пишиб етилган пайтда бозорларга олиб чиқилади. Бу пайтда баҳо кескин пасайиши сабабли фермер учун кам фойда келтирувчи ёки умуман фойда келтирмайдиган ўрточа баҳо ҳам шаклланиши мумкин.

Сизга маълум кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантирини рағбатлантириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли Фармонида мувофиқ амалга оширилмоқда.

Фермер хўжалигининг оладиган **фойдаси миқдорини** ошириш эса - мавжуд ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, илғор тажрибалар, аграр илм-фани ютуқларига таяниш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш соҳаларига инвестициялар жалб қилиш эвазига амалга оширилади.

Масалан, пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалиklarида асосий тармоқ бу пахта ва ғалла етиштириш ҳисобланса, сабзавотчилик фермер хўжалиklarида асосий тармоқ сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳисобланади.

Бундай ажратишни тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки, ҳар бир йўналишда фермер хўжалиklари учун қонунларда аниқ ўлчамдаги ер майдонлари белгилаб қўйилган. Бу ер майдонларидан мақсадли фойдаланиш ҳам амалдаги қонунлар билан тартибга солинади.

Кўп тармоқли фермер хўжалиklarидаги **“Асосий тармоқ”** тушунчасига аниқлик киритиб олдик. Фермер хўжалиklarида бу масала - ер участкаларининг узок муддатли ижараси билан бевосита боғлиқ бўлмоқда. Энди ўз ўзидан қўшимча тармоқлар масаласи ҳал бўлади.

Яъни, фермер хўжалигининг асосий тармоқдан бошқа йўналишларда ташкил этган ишлаб чиқариш фаолияти қўшимча тармоқ ҳисобланади.

Кўп тармоқли фермер хўжалиklarида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи **асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ёки асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган** соҳаларда ташкил этилиши мумкин. Хусусан:

- қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ташкил этилганда – масалан, фермер хўжалиги сабзавотчилик йўналишида (асосий тармоқ) фаолият юритса қўшимча тармоқ сифатида сабзавотни қайта ишлаш цехлари фаолиятини йўлга қўйиши, маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш ва сақлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш каби соҳаларда ўз фаолиятини кенгайтириши назарда тутилади;

- қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилганда – масалан, фермер хўжалиги пахта ғаллачилик йўналишида (асосий тармоқ) юритса қўшимча тармоқ сифатида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, хўжалик қошида кичик тикув цехларини ташкил этиш каби соҳаларда ўз фаолиятини кенгайтириши назарда тутилади.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилганда ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда фаолиятни йўлга қўйиш мумкин (2.1-расм).

2.1.1.Расм. Қўшимча тармоқни асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этиш йўналшлари

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш - фермер хўжаликлари асосий фаолият йўналиши бўйича етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўшимча равишда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги хўжалик юритиш субъектларида ишлаб чиқарилаётган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш, шунингдек, турли йўналишда таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини ташкил этган ҳолда, ўз даромадини қўшимча молиявий манбалар асосида барқарор кўпайтиришни таъминлашга қаратилган фаолияти ҳам ҳисобланади.

Яна бир масалани таъкидлашни хоҳлардик. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари бугунги кунда ўйлаб топилган эмас балки, узок тарихга эса.

Кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги муҳим шартлардан бири бу - *ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромадини (соф фойда) ошириш мақсадида ўз хохишига кўра ихтиёрий равишда қўшимча тармоқларни ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумкинлигидир.* Бу борадаги фермернинг фаолияти тўлиқ ихтиёрий ва фермер хўжалигининг хусусий манфаатларига бўйсиниши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айна шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металлар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Касаначиликнинг маҳаллий шароитимизга мослиги ҳаётда ўз самарасини бермоқда. Бугун касаначилик билан шуғулланиб, доимий даромад манбаига эга бўлаётган, ҳам буюртмачи корхонага, ҳам ўз хонадонига наф келтираётган хотин-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Қолаверса, бу аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш имконини ҳам бераяпти. Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаяпти.

Эътиборли жиҳати, касаначиларнинг иш билан банд аҳоли тоифасига кириши, уларга меҳнат дафтарчаси юритилиши ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан корхона

ишчилари билан тенглаштирилиши давлатимиз сиёсатининг халқчил эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. 2009 йили Хива туманида касаначилик маркази ташкил этилиб, каштачилик, тикувчилик ва ҳунармандчилик асосида турли буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан мазкур марказга 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига зарур асбоб-ускуна ва хом ашё сотиб олинди. Мухтасар айтганда, касаначилар учун барча шароит яратилди. Бугунги кунга келиб, ушбу марказга жалб этилган касаначилар сони 136 нафардан ортди. Улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар Хивага ташриф буюраётган сайёҳларга ҳам манзур бўлмоқда.

Уй шароитида меҳнат қилиб, рўзғор юмушларига, фарзандлар тарбиясига ҳам вақт ажратаяпмиз, дейди марказ ишчиси Ойгул Маткаримова. Даромадимиз ҳам яхши. Ҳар куни ишга қатнаш шарт эмас. Буюртмалар тайёр бўлгач, ўзлари олиб кетишади. Касаначилик мен каби уй бекаларига жуда қўл келаяпти. Умуман олганда, ўтган йили Хоразм вилоятида касаначилик асосида 19 минг 500 та, жумладан, корхоналар қошида 2 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. 2011 йилда касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 770 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этди. Бу ишга 300 дан ортиқ катта-кичик корхоналар бош қўшгани, айниқса, эътиборга молик. Таъкидлаш керакки, вилоятдаги кўплаб корхона ва жамоалар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, уй меҳнатини ташкил қилишга астойдил киришишган. Чунончи, “Хоразм гиламлари” масъулияти чекланган жамияти, “Ҳунарманд” уюшмасининг Хива тумани бўлими, “Хонқа пахта тозалаш” корхонаси каби кўплаб меҳнат жамоалари бу борада фаоллик кўрсатмоқда. Эътиборлиси, касаначилар меҳнати билан тайёрланаётган маҳсулотлар сифатли ва бежиримлиги, пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради.

Шу боис уларнинг харидорлари бисёр. Ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, жойларда уй меҳнатининг барча шакллари асосида 20 мингдан зиёд, шунингдек, касаначилик йўналишида 2 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этиш

режалаштирилмоқда. Бунинг учун имкониятлар етарли. Чиндан ҳам, мамлакатимизда касаначилик аҳоли бандлигини таъминлашда самарали, амалда ўзини оқлаётган муҳим тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Асосийси, оилалар яна бир даромад манбаига эга бўлиш баробарида, турмушларининг бундан-да яхшиланишига ишончлари ортмоқда.

Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодийтимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

1.2.1-жадвал

Касаначилик фаолиятининг ўзига хос моделлари

Касаначилик меҳнатининг асосий моделлари	
Мақсад	Қўлланиш соҳаси
1. Корхонанинг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган ва аҳолига хизмат кўрсатадиган фуқаролар билан кооперация алоқаларини ўрнатиш	қўлланиш соҳаси – фаолиятлари мавсумий тусга эга бўладиган корхоналар. Мисол – Чуст П/З уйда миллий пичоқлар, рўмоллар ва бошқа турдаги халқ хунарамдлиги буюмларини тайёрлайдиган 24 нафар фуқаро билан меҳнат шартномаси тузган. Бундаги ютуқ касаначилик меҳнатини бажариладиган иш ўринларини юзага келтиришга кам сарф-ҳаражат қилинишидан иборат.
2. Технологик жараёнга киритилган ихтисослаштирилган касаначилик меҳнати иш ўринларининг яратилиши	қўлланиш соҳаси – асосий маҳсулот ишлаб чиқариш учун айрим операциялар ёки буюмларни бажарилиши. Мисоллар – фурнитура ишлаб чиқариш, ярим тайёр маҳсулотларни чархлаш, бутловчи деталлардан буюмлар йиғиш, тикув, пойабзал ва ҳоказо буюмларга қўлда ишлов бериш.
3. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурига киритилган маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича касаначилик меҳнати	қўлланиш соҳаси – ишлаб чиқаришнинг айрим турларини корхонанинг ишлаб чиқариш майдонларидан касаначиларнинг истиқомат

билан боғлиқ иш ўринларини яратиш.	жойларидаги иш жойларига ўтказиш ва шунинг ҳисобига бўшаб қолган майдонлардан самарали фойдаланиш. Мисоллар – маҳсус кийим-бош, фартук ва қанорлар ишлаб чиқариш.
------------------------------------	---

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

Дунёда биоэтанол ишлаб чиқариш ҳажми йилига 50989,17 миллион литрга етди, бу олдинги йилларга нисбатан 11 фоизга кўпдир. Дунё бозорида биоэтанолга бўлган талаб эса ҳар йили 20—25 фоизга ортиб бормоқда. Маълумотлар шунини кўрсатадики, 2020 йилга бориб бу маҳсулотга бўлган талаб кескин ошади.

Дунё амалиётида 25 фоиз этанол техник мақсадларда ва 80 % га яқини биоёнилғи сифатида ишлатилади. Аниқланишича, АҚШ ва Канадада 2020 йилга бориб этанол ишлаб чиқариш ва уни ишлатишни 40 миллион тоннагача ошириш кўзда тутилган. Ҳозирда асосий биоэтанол ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар АҚШ ва Бразилия ҳисобланади. АҚШда йилига 16,1 миллион тонна биоэтанол ишлаб чиқариш учун асосан 18 фоиз маккажўхори ҳосили сарфланган. Бразилияда йилига 16 миллион тонна биоэтанол ишлаб чиқарилган ва маҳсулот сифатида шакарқамишдан фойдаланилган. АҚШда ишлаб чиқарилган йиллик биоэтанол ҳисобидан 2008-2010 йилларга келиб 1,5 млрд долларлик ёнилғи импортидан иқтисод қилинган.

Этанол мотор ёнилғиси сифатида энг кўп Бразилияда қўлланилади. Мамлакатда 90 фоизга автомобиль этанолли мотор ёнилғисидан ишлайди. Бразилияда 1991 йилда 5 фоизгача этаноли бўлган бензин ёнилғисини автомобилларда қўллаш борасида давлат дастури қабул қилинган эди. 2000 йилга келиб этанол миқдори 20 фоизга етди. Яқин йиллар ичида бензин таркибидаги

этанол миқдорини 24 фоизгача ошириш кўзда тутилмоқда.

Юқорида келтирилганидек, Бразилия дунё этанол миқдорининг 36 фоизини беради ва 240 минг тонна этанолни бошқа давлатларга импорт қилади. 2015 йилгача Бразилия этанолнинг экспорт миқдорини 2 мартага оширишни мўлжалламоқда ва миқдори йилига 36 млрд/л. гача ошади.

Этанол ишлаб чиқариш бошланиши билан ривожланган давлатларда буғдой ва маккажўхори етиштиришнинг янги бозори очилди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг ривожланишига олиб келди.

Австралияликлар 2010 йилга бориб қайта тикланувчи маҳсулотлардан 280 минг тонна ёнилғи олишмоқчи. Бунинг учун 5 та этанол ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилади.

Европа давлатлари Германия, Испания, Франция, Италия ва Польша этанол етиштирувчи етакчи давлатлардир. 2010 йилда Европанинг 11 та давлатида биоэтанол ишлаб чиқарилмоқда

Германия давлатида фаолият олиб бораётган бир фермер хўжалигининг фаолиятини ўрганганда, хўжаликда 150 бош йирик шохли қора моли, 15 гектар макка экилган майдони мавжудлигини аниқлаб, фермер чорва гўнги билан макка силоси аралашмаси асосида ёқилғи олиш технологияси ёрдамида ёқилғи ишлаб чиқаришини, бу ёқилғи билан атрофдаги истеъмолчиларни таъминлаётганини ва яхши даромад топаётганининг гувоҳи бўлдик.

Республикамизда чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалигига турдош соҳа сифатида биоэнергетика ва биоэтанол ишлаб чиқариш йўлга қўйилса ва ривожлантирилса, бу соҳа чорвачиликка нисбатан рентабелли соҳа бўлиб биоэнергетика ва биоэтанол ишлаб чиқаришдан келадиган фойдани чорвачиликка сарфлаб чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари кенгаяр эди.

Россияда биоэтанол ишлаб чиқаришни кўпайтириш эвазига ҳар бир киши учун тахминан 300—350 литр бензин тежаб қолинади. Россияликлар кўпроқ буғдой ва картошкадан этанол олишни мўлжаллашмоқда.

Ўзбекистонда этанол кенг қўлланмаслигининг асосий сабабларидан бири уни ишлаб чиқариш кўп харажат талаб қилади, яъни бензинни қазиб олишдан кўра икки барабар қимматга тушади, аммо замонавий иқтисодий муносабатлар тизими этанол ишлаб чиқаришнинг инновациявий - тежамкор ишлаб чиқариш йўлларини топишни талаб этади, чунки ёқилғига бўлган талаб кундан –кунга ошиб бормоқда.

Дунё амалиётидан келиб чиққан холда , энергия таъминотини ошириш учун қишлоқ хўжалик, мева-консерва корхоналари, ҳайвонот ва ўсимликлардан олинган чиқиндилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун биоёнилғи ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан янада рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва янги технологияларни ишлаб чиқиш зарур. Ҳозирги кунга келиб республикамиз олимлари томонидан биоэтанол олишнинг янги технологиялари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда биоэнергетика ва биоэтанол ишлаб чиқаришнинг аҳамияти катта бўлиб, уни ривожлантириш қуйидаги вазифаларнинг ечимини ҳал қилади:

- ✓ қишлоқ хўжалиги ва энергетика воситалари доимий энергия билан таъминланади;
- ✓ қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот ва спирт ишлаб чиқарувчи заводларнинг инвестицион ва ички фойдаси ошади;
- ✓ углеводли суюқ ва газсимон қайта тикланмайдиган ёнилғига бўлган талаб пасаяди;
- ✓ атмосферага чиқаётган парник газларининг миқдори камаяди;
- ✓ янги ишчи ўринлари барпо этилади.

Юқорида келтирилган биоэнергетика ва биоэтанол ишлаб чиқаришнинг аҳамиятли томонларини эътиборга олган холда қишлоқларимизда фермер хўжаликларида биоэнергетика ва биоэтанол ишлаб чиқаришини қишлоқ хўжалигига турдош соҳа сифатида ривожлантиришни тавсия этамиз.

Ҳозирги экологик шароитда деҳқончиликда фойдаланилаётган ерларнинг

хосилдорлигининг пасайишига асосий сабаб, амалга оширилаётган агротехник тадбирларнинг сифатининг ёмонлашиб бораётганлиги ёки тупроқдаги трофик микроорганизмларнинг миқдорини камайиб, патоген турлар миқдорининг кўпайиб, тупроқнинг биологик фаоллик даражасининг пасайишига, экин далаларидаги фитосанитар ҳолатнинг бузилишига, тупроқнинг структурасини бузилишининг натижасидир.

III. БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИ НОАНЪАНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ.

3.1. Ноанъанавий тадбиркорликни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳолатлар тадбиркорларни табақаланишига муҳим таъсир этади. Ўтиш даврининг дастлабки пайтларида кичик бизнесда нафақат хўжалик юритиш ва бозор конъюнктурасини илғай билишидаги фарқдан, балки салбий аломатлар, яъни турли соҳадаги ишлаб чиқаришнинг ҳар хил даражада пасайишида, товар ишлаб чиқарувчилар монополияси ва товарлар ва хизматлар нархига улар ўз измини ўтказа олиш имкониятидан ҳам келиб чиқади. Кичик бизнеснинг табақалашуви уларга мерос бўлиб қолган моддий-техник базасининг фарқланишига, уларнинг ихтисослашув жиҳатлари ва ниҳоят, тоталитар-режали тизим шароитидан чиқиб бозор муносабатларига мослаша олишларига ҳам боғлиқ бўлади.

Кичик бизнеснинг ривожи хорижий мамлакатларда, жумладан Европа мамлакатларида ўзига хос жиҳатлар ва хусусиятлар касб этади. Чунки, бозор муносабатларининг ривожи Европа мамлакатларида бир неча юз йиллар давомида ривож топиб келган ва эътиборга молик натижаларга эришилган.

Кейинги йилларда Европа ҳамжамияти даражасида кичик бизнесни ривожлантириш бўйича қатор дастурлар қабул қилинди. Бу дастурлар Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар миллий даражасида қабул қилинган қўшимча дастурлар билан бойитилди. Аммо бу дастурларда кичик бизнес корхоналарини

аниқлашда ягона ёндашувдан фойдаланилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Натижада ушбу корхоналарни аниқлашда турли хил мезонлардан фойдаланилди.

Шу муносабат билан Европа Комиссияси кичик ва ўрта корхоналарни аниқлаш юзасидан тавсиянома ишлаб чиқди. Бу тавсияномада бутун ЕҲ доирасида микро, кичик ва ўрта корхоналарни аниқлашнинг аниқ чегаралари белгилаб берилган. Кичик ва ўрта корхоналарни аниқлашнинг янги мезонлари кўйидагилардан иборат (3.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

Европа ҳамжамияти томонидан қабул қилинган кичик ва ўрта корхоналарни аниқлашнинг янги мезонлари

Мезон	микроркорхоналар	кичик корхоналар	ўрта корхоналар
Ишловчиларнинг максимал сони	10 нафаргача	50 нафаргача	250 нафаргача
Максимал товар айланмаси, млн. Евро	-	7	40
Максимал якуний баланс қиймати, млн. Евро	-	5	27

Корхоналар микро ёки кичик корхона мақомини олиш учун юқорида келтирилган мезонларнинг камида иккитасига: корхонада ишловчилар сони ва молиявий мезонлардан бири – умумий товар айланмаси ёки якуний баланс қиймати бўйича юқоридаги мезонларга тўғри келиши лозим. Европа ҳамжамиятида кичик ва ўрта корхоналарнинг мезонлари юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятлардан келиб чиқиб, ҳар 4 йилда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

ЕҲ мамлакатлари орасида ишлаб чиқариш юксак тараққий этган мамлакатлардан бири Италия ҳисобланади. Бундай муваффақиятнинг асосий таянчи эса кичик тадбиркорлик ҳисобланади.

Италия кичик корхоналари бир тармоқ ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш атрофида жипслашуви ёки ихтисослашуви билан машҳурдир. Кичик корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатларига кўра, Италияни фақатгина Греция ва Испания билан тенглаштириш мумкин. Италияда жами корхоналар сонига 100 тадан кам ишловчилари бўлган саноат корхоналарининг улуши 98 фоизни, 20 тадан кам ишловчилари бўлган корхоналар эса қарийб 90 фоизни ташкил этади. Италия корхоналарида банд бўлган ишловчиларнинг ўртача йиллик сони 7 нафар.

Иш ҳақи даражаси ва бир ишчи ҳисобига тўғри келадиган ЯИМ деярли барча микро ва кичик корхоналарда нисбатан юқорилиги билан ажралиб туради. Италия тажрибаси юксак тараққий этган иқтисодиётни барпо этиш учун ишлаб чиқаришни йирик корхоналар асосида қуришга ҳожат йўқлигини яққол намоён қилмоқда.

Италиянинг халқаро савдо бозорларида муваффақиятли фаолият олиб бораётган кичик корхоналари юқори сифатли товарларни экспорт қилиши билан эътибор қозонган. Италия кичик корхоналари, одатда, юқори сифати ва дизайни билан ажралиб турадиган товарларни ишлаб чиқаради. Бунга Рего-Эмилияда ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги ускуналари ва Болонияда ишлаб чиқариладиган автоматика ускуналари мисол бўла олади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Италия кичик корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарларининг экспортида салмоқли ўринни эгаллайди. Шунингдек, улар яримтайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар, станоклар, тўқимачилик ва терига ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги, қадоқлаш, ёғочни қайта ишлаш, керамика ва металлга ишлов бериш ускуналари ҳамда мини технологиялар экспорт қилиш бўйича ҳам етакчилардан ҳисобланади.

Шу ўринда, Италия кичик корхоналари бу даражада рақобатбардошликка қандай қилиб эришган, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавобни алоҳида олинган кичик корхонадан эмас, балки маълум бир турдаги маҳсулотни ишлаб

чиқариш бўйича ихтисослашган меҳнат тақсимотига эга ҳамда ягона мақсад йўлида уюшган корхоналар тизими **“кластерлар”** ёки **“саноат туманлари”** негизидан топиш мумкин. Тадбиркорлар, мутахассислар ва олимлар томонидан “кластерлар”га қизиқиш катталигининг асосий сабаби ҳам шунда.

Италияда кичик корхоналар саноатнинг бир тармоғи ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига ихтисослашув хусусиятига эга. Шу билан бирга ушбу тармоққа туташ соҳаларда фаолият юритувчи корхоналар ҳам ихтисослашувнинг кучайишидан манфаатдор. Бундай ихтисослашувни **“кичик корхоналарнинг кластерлари”** деб аташади.

3.1.1-чизма

Италия кластерларига кирадиган корхоналарнинг ўзаро алоқалари.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай ихтисослашувда корхоналар бир-бирларига узвий боғланган бўлади, лекин бу уларнинг ўзаро қарамлигини билдирмайди. Аксинча, ишлаб чиқариш йўналишлари ва шерикларни танлашда тўлиқ мустақиллик таъминланади. Ҳар бир корхона бир-бирисиз фаолият кўрсата олмайдиган ишлаб чиқариш жараёнининг бир босқичи билан шуғулланади. Ишлаб чиқариш жараёни кўп сонли кичик корхоналар ўртасида тақсимланишининг муҳимлиги ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ишлаб чиқариш босқичларида юқори даражадаги ихтисослашувга эришишни таъминлайди. Шу билан бирга янгидан шаклланиб келаётган корхоналарнинг тармоққа кириб келиши ва ўрин эгаллаши энгилроқ кечади.

Бир ишлаб чиқариш тизимига уюшган ва меҳнат тақсимотига эга корхоналар гуруҳи (кластерлар) ўзаро манфаатли кооперацияга ҳам таянади. Кооперациянинг афзалликлари қуйидагиларда кўринади:

кооперация жараёнида кичик корхоналар ихтисосликларини чуқурлаштиришлари ва ўзларининг заиф томонларини ўзаро компенсация қилишлари мумкин;

кооперация муносабатлари маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг ўта эгилувчан бўлишларига ёрдам беради, чунки улар ўзаро келишган ҳолда талабнинг ўсишига қараб ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари ва талаб камайганда ишлаб чиқаришни пасайтиришлари мумкин.

Кластерлар ҳажми, тузилиши, ихтисослашуви, тараққиёт даражаси, жойлашган ҳудуди ва бошқа омиллар бўйича табақаланади.

Кластерларнинг ҳажмини белгиловчи махсус қоидалар мавжуд эмас. Италияда кластерларнинг турли ҳажмдагиларини учратиш мумкин. Масалан, 40 мингдан ортиқ ишчилар, 10 мингга яқин корхоналар ва бир нечта туманларни (Бьелла, Комо, Карпи ва бошқ.) қамраб олган Пратодан тортиб, бир мингга яқин ишчиларга эга, юзга яқин корхоналарни ўз ичига олган Апулладаги Горотал

керамика тармоғи кластерини кўрсатиш мумкин.

Кластерларнинг ҳажми қуйидагиларга боғлиқ бўлиши мумкин:

- кластернинг фаолият даври;

- бозорнинг сиғими.

- ишлаб чиқаришни ривожлантиришга шароит яратувчи ташкилий-иқтисодий, техник-технологик ва институционал имкониятларнинг мавжудлиги.

Кластерлар табақалашувидаги иккинчи жиҳат – бу, уларнинг таркибий тузилишидир. Маҳаллий ишлаб чиқариш тизимларининг асосий беш хилини санаб ўтиш мумкин:

Бир хил товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир неча кичик корхоналарни ўз ичига олган кластерлар.

Йирик бир ёки бир неча корхона атрофига уюшган ва пудрат муносабатларига асосланадиган кичик ва микрокорхоналардан иборат кластерлар.

Бир неча пудратчилар атрофида жойлашган субпудрат тизими.

Тараққиёт даражасига кўра, *шаклланаётган, ўсувчан* ва *етуклик даврига кирган* кластерларни кузатиш мумкин.

Энди шаклланаётган кластерлар тор доирада ихтисослашганлиги ва одатда, маҳаллий бозорлар эҳтиёжларини кондиритишга йўналтирилганлиги билан характерланади.

Ўсувчан кластер кўп жиҳатдан кенгрок ҳудудларни қамраб олиши, маҳаллий бозорлар доирасидан ташқарида ҳам фаолият кўламини кенгайтиришга интилиши ва йирик корхоналарнинг субпудратчилари сифатида ишлайдиган фирмалар тизими билан тавсифланади.

Кластернинг етуклиги унинг маҳаллий ва халқаро бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллаши, чуқур ихтисослашувнинг мавжудлиги ва ўз ичига пудрат ва субпудрат тизимларини олиши билан белгиланади.

Кластерлар фаолиятини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва

қўллаб-қувватлаш билан кенг тараққий этган институционал (тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи палаталар, ассоциациялар, марказлар, таълим муассасалари ва бошқалар) ва давлат тузилмалари шуғулланади. Италия тажрибаси шуни кўрсатадики, мукамал шаклланган институционал тизимлар кластерлар ривожда муҳим аҳамият касб этади.

Кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш фақатгина уларнинг ҳажми кичик бўлганлиги учун эмас, балки юқори рентабеллик асосида фаолият кўрсата олишлари ҳамда новаторлик қобилияти туфайли ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара олишлари туфайли ҳам зарурдир.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда кичик корхоналарни молиялаштириш учун кредит кафолати ёки ўзаро кафолатлаш тизими фаолият кўрсатади. Кредит кафолатлари ёрдамида молиявий институтлар микро ва кичик корхоналарга кредит бериш жараёнида вужудга келадиган юқори даражадаги таваккалчиликка (рискка) барҳам беришга ҳаракат қилишади. Давлат кафолатлари тизими Австрия, Бельгия, Дания, Финляндия, Франция, Германия, Ирландия, Нидерландия, Швеция, ва Буюк Британияда мавжуд. Испанияда кичик корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида ўзаро кафолатлаш тизими фаолият кўрсатмоқда. Кредит кафолати тизими ҳукумат томонидан кафолатланган молиявий ресурсларга таяниб фаолият кўрсатади.

Жаҳон амалиётида кичик бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги усуллари кенг фойдаланилади: **бевосита молиялаштириш, имтиёзли кредит фоизини белгилаш, кредит олишда кафолатни таъминлаш.**

Кичик корхоналарни бевосита молиялаштириш кўп ҳолларда давлат томонидан турли хил ривожланиш жамғармаларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бу жамғармаларнинг асосий мақсади кичик корхоналарни кредитлашни рағбатлантириш мақсадида зарурий инвестиция маблағларини жамлашдан иборат.

Гарчи кейинги йилларда кичик бизнесга хусусий инвестиция ресурсларини

жалб этишнинг янги молиявий усуллари ва механизмлари пайдо бўлаётган бўлсада, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб қолмоқда.

Буюк Британияда кичик бизнеснинг молиялаштиришнинг асосий манбалари бўлиб хусусий шахслар жамғармалари ва банк кредитлари ҳисобланади. Кичик бизнесни молиявий ресурслар билан таъминлашда қимматли қоғозлар бозори сезиларли аҳамият касб этади. Шунингдек, кичик бизнесни молиялаштирувчи махсус компаниялар кенг тарқалган. Буюк Британия кичик корхоналарининг 20 фоиздан кўпроғи Англия банки ва клиринг банклари томонидан назорат қилинадиган саноат ва савдо корхоналарини молиялаштириш коорпорациясидан кредит оладилар.

Буюк Британияда давлат сиёсати тижорат банкларининг кичик бизнес корхоналарини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган. Бу йўналишда “Noon Quaratie Sereme” асосий ҳукумат дастури ҳисобланади. Ушбу дастурга мувофиқ давлат қайтмаган кредитларнинг 70 фоизини, иқтисодий вазият оғир районларда 85 фоизини кафолатлайди. Бундай кафолатда фоиз ставкаси 2,5 фоизни, иқтисодий вазият оғир районларда 2 фоизни ташкил этади. Ушбу дастур бўйича давлат кафолатлари жами кредитларнинг 70-80 фоизини қамраб олади. Ҳар йили кафолатларни қоплаш учун 50 млн. фунт стерлинг ажратилади.

Иқтисодиётни ташкил этиш ва бошқаришнинг жаҳон амалиётида синовдан ўтиб, ўзининг афзалликларини исботлаган усулларида бири бозор иқтисодиёти ҳисобланади. Давлатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш инсон манфаатларининг талабларига жавоб беради. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий мақсади иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишларини кучайтириш, ишлаб чиқаришни истемолчилар талаблари асосида ташкил этиш ҳамда фуқороларнинг эркинлигига кенг йўл очиб бериш, инсон омилининг мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланиш, юқори унум, ташшабускорлик ва ташкилотчилик асосида тадбиркорлик фаолиятини олиб боришни таъминлашдан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона (фирма) товарлар ишлаб чиқарувчи ва хизматларни яратувчи субъект сифатида юзага чиқади. Корхона ҳуқуқий шахс сифатида қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланади. Корхонада ишлаб чиқариш омиллари бирикиб, шу ерда ишлаб чиқариш жараёни юз беради.

Бозор муносабатлари шароитида товар ишлаб чиқарувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий маъқеи улар фаолиятининг нақадар самарадорлигига, бинобарин бозорда рақобатлаша олишига қараб белгиланади. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозор муносабатларига киришишдан асосий мақсади фойда миқдорини оширишга қаратилган бўлади. Бунинг учун эса харажатларни иложи борича камайтириш ва товарлар сифатини ошириш талаб этилади.

Кичик бизнес билан шуғулланувчилар товар ва хизматларни аҳоли талаб эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бозорга чиқаради, аҳолининг иш билан бандлигини ошириб, даромад манбаига айланади ҳамда ишлаб топилган даромадга нисбатан истеъмолни қондиради. Ҳаётий тажриба кичик ишлаб чиқариш кўламидаги ишлаб чиқариш ҳам ўз афзалликларига эга эканлигини тасдиқламоқда. Бунга ҳозирги даврда кичик технологияларнинг етарлича ривожланганлиги, кичик бизнесда меҳнат унумдорлигининг юқорилиги, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозордаги рақобатга дош бериш имконияти кенгайганлиги, кичик ва ўрта тадбиркорлик катта миқдордаги капитал инвестицияларни талаб қилмаслиги, маҳаллий бозорга ёки миллий иқтисодиётдаги йирик компанияларга ишлаши, шу сабабли бозорга тез мослашиши, товарларни нисбатан арзонга сотиб, ҳалол даромадга эга бўлиши, даромад манбаларини излаб топишга интилиши каби омиллар асос бўлади. Бозор муносабатларини ривожлантириш турли тармоқларнинг ўзаро мутаносиб алоқада бўлишига ва ишлаб чиқаришнинг бозор талаблари доирасида ташкил этишга боғлиқ бўлиши сир эмас. Бозор қоидалари ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувига олиб келиб, истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий

фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини шаклланишига туртки бўлади.

Ўтиш даврида кичик бизнес билан шуғулланувчилар кун кечириш, пул топиш ва кичик бизнес билан шуғулланишлари орқали турмуш фаровонлигини ўз имкониятлари доирасида таъминлаб боради. Кичик тадбиркорлик кўлами ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Шунга нисбатан унинг турлари ривож топиб боради.

3.1.2-Жадвал

Европа давлатларнинг қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш босқичларини таҳлил натижалари республикамиз фермер хўжаликларида қуйидаги йўналишларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштиришни тақозо қилади

I.	-	Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар, тайёрлов қайта ишлаш, сотиш, хизмат кўрсатиш инфратузилма субъектлари ва саноат корхоналари ўртасида ўзаро ихтиёрийлик, моддий минфаатдорлик ва иқтисодий ҳамкорлик асосида кооперация муносабатларини шакллантириш;
II.	-	Қишлоқда кичик корхоналарни ривожлантиришнинг давлат томонидан иқтисодий рағбатлантирилиши;
III.	-	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлат эҳтиёжлари учун харид режалари (квота) белгилашда нафақат ички бозор, балки жаҳон бозоридаги талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш;
IV.	-	Тармоқни молиялаштириш ва кредитлаш тизимини такомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва товар ишлаб чиқарувчилар моддий манфаатдорлигини оширишга эришиш;
V.	-	Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларига белгиланадиган нархлар ўзгарувчанлиги устидан мониторинг олиб бориш ҳамда улар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш;
VI.	-	Қишлоқ хўжалиги экинлари турини мустақил танлаш ва жойлаштириш эркинлигини таъминлаш фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни иқтисодий рағбатлантириш;
VII.	-	Қишлоқ хўжалигидаги долзарб йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришни такомиллаштириш ва бошқалар.

Умуман олганда, бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Жаҳондаги қандай мамлакат бўлишидан қатъий назар у хоҳ бозор иқтисодиёти

ривожланган мамлакат бўлсин, хоҳ ривожланаётган ёки бозор иқтисодиётига ўтган давридаги мамлакат бўлсин, уларда кичик бизнес ўзининг ташқи ўзгаришларга янада мослашувчанлиги, динамик тарзда ривожланиши, кам харажатлиги, хусусан, катта миқдордаги молиявий маблағларни жалб қилмаслиги, бандлик даражасини таъминлаши ва тадбиркорлик иқлимини мустахкамлаши каби хусусиятларга эгалиги билан муҳим аҳамият касб этади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кичик бизнес субъектлари асосан мустақил, яъни хусусий хўжалик субъектлари бўлиб, улар йирик корхоналар сингари бирор-бир тармоқда ҳукмрон вазиятга эга бўлишмайди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Албатта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда, истеъмол бозорини сифатли товарлар ҳамда хизматлар билан тўлдиришда, энг муҳими аҳолини иш билан бандлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Кичик корхоналарнинг молиялаштирилиши қуйидаги ички ва ташқи манбалар орқали амалга оширилиши мумкин:

✓ Молиялаштиришнинг ташқи манбалари – бюджет маблағлари, мақсадли банк кредитлари, акциялар эмиссиясининг маблағлари, лизинг, тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари, маҳнавий бойликлар, бюджетдан ташқари ва нотижорат жамғармалар маблағлари;

✓ Молиялаштиришнинг ички манбалари – фойда, амортизация тўловлари, тўпланган пуллар ва тадбиркорларнинг жамғармалари, суғурта фаолиятдан олинган маблағлардан иборатдир.

Инвестицияларнинг турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан тақиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирларининг йиғиндиси **инвестиция фаолиятини** англатади.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, ҳуқуқий шахслар

(корхоналар, фирмалар, акционерлик жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда, ўз манфаатини кўзлаб ягона мақсадга, яъни фойда олиш ва самарага эришишни режалаштиради.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси ишбилармон-лик, тадбиркорликнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиши лозим. Мамлакатимиздаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ҳам инвестиция фаолиятига эътибор қилган ҳолда инвестиция муҳитини яхшилашни унутмаслик лозим.

Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий – ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт – шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт – шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиқ, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт – шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ.к.

Минтақалар иқтисодиётининг реал секторига инвестициялар киритилишининг таҳлили қўшимча инвестициялар жалб қилишга ҳал бераётган бир қатор ҳал қилинмаган масалалар мавжудлигини кўрсатди. Жиддий муаммоларни ҳал қилиш ва хорижий инвестициялар учун минтақаларнинг жозибадорлигини ошириш учун:

- давлат инвестиция дастурларини тузиш ва йирик лойиҳаларни амалга оширишда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси ва суръатларини ҳисобга олиш;
- ривожланиш даражасига кўра мамлакат минтақаларини гуруҳларга

ажратиш ва шу асосда маблағ сарфлашнинг минтақавий устуворлигини белгилаш, ҳар бир минтақа манфаатларининг баланслашганлигини ҳисобга олиш, инвестиция жараёнининг табақалаштирилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- алоҳида, сустривожланган минтақалар бўйича бевосита хорижий инвестициялар жалб қилинишини рағбатлантириш, бунда лойиҳа ғояси ишлаб чиқиш ва банкларда экспертиза қилиш, амалга оширилишдан тортиб, олинган кредитлар қайтарилгунгача, минтақавий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда саъй-ҳаракатларни бошқарувнинг ҳудудий органлари масъулиятини оширишга қаратиш;

- хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилинишига амалий кўмаклашиш, ташқи бозорни ўрганиш, маркетинг тадқиқотларини тартибга солиш ҳамда мамлакат товарлари экспортга йўналтирилиши учун давлат бошқарув органлари ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини жонлантириш;

ҳар бир минтақа учун маълумотларнинг ахборот-таҳлилий базаларини жорий қилиш ва минтақаларнинг инвестиция имкониятлари тўғрисида инвесторларни ахборот билан таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ҳар бир муайян минтақада кўргазма ва бизнес-семинарлар ўтказиш кабиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Албатта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда, истеъмол бозорини сифатли товарлар ҳамда хизматлар билан тўлдиришда, энг муҳими аҳолини иш билан бандлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Кичик корхоналарнинг молиялаштирилиши қуйидаги ички ва ташқи манбалар орқали амалга оширилиши мумкин:

- ✓ Молиялаштиришнинг ташқи манбалари – бюджет маблағлари, мақсадли банк кредитлари, акциялар эмиссиясининг маблағлари, лизинг, тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари, маҳнавий бойликлар, бюджетдан

ташқари ва нотижорат жамғармалар маблағлари;

✓Молиялаштиришнинг ички манбалари – фойда, амортизация тўловлари, тўпланган пуллар ва тадбиркорларнинг жамғармалари, суғурта фаолиятидан олинган маблағлардан иборатдир.

3.2. Фермер хўжаликларида тадбиркорликнинг ноанъанавий усуллари қўшиб олиб бориш самарадолигини баҳолаш.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан босқичма-босқич амалга оширилган институционал ислохотлар натижасида хусусий мулк устивор бўлган кўп укладли иқтисодиёт барпо этилди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидланганидек: “...корхоналар ўртасидаги кооперацион алоқаларни кегайтириш ва бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур. Шунинг назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси-янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади”¹⁰.

Ҳозирда мамлакатимиздаги иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бир қанча устунликларга эга. Юқоридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда мавжуд муаммолар мамлакатимиздаги ишбилармонлик

¹⁰ Каримов И. А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир -Тошкент:Ўзбекистон,2010ю.-Б.60-61.

муҳитини янада яхшилаш борасида айрим таклифларни илгари суришга даъват ҳам этадики, бу қуйидаги ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни ўз ичига олади:

1. Корхоналар капиталлашув даражасини босқичма-босқич ошириб бориш ва уларнинг менежмент ва маркетинг фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит ахбороти миллий институти, Давлат Солиқ қўмитаси ва бошқа алоқадор ташкилотлар билан биргаликда “ягона электрон ахборот алмашуви тизими”ни йўлга қўйиш. Бундан кўзланган мақсад: кредит олаётган ёки олинаётган кредитга кафиллик қилаётган корхона фаолиятини текшириб бориш; корхона фаолияти давом этаётгани ёки тугатилгани тўғрисида аниқ ва тезкор маълумот олиш; корхонанинг кредит қайтара олиш қобилиятини тўғри ва тезкор баҳолаш; берилаётган кредитлар мақсадлилигини таъминлаш; кичик бизнес субъектлари билан ишлаш фаолиятини соддалаштириш; берилаётган кредитлар тўғри ва самарали фойдаланилаётгани устидан назоратни таъминлаш, ялпи ишлаб чиқариш самарасини ошириш, фақатгина соҳа ривожини таъминлайдиган лойиҳаларни молиялаштириш; тадбиркорлик субъектларининг маҳаллий шароитда ярмаркаларини ташкил этиш ҳамда халқаро ярмаркаларда иштирок этиш имконини берувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган тармоқлар фаолиятини ривожлантириш учун кредитлар ажратиш; банк-молия муассасаларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан шерикчилик асосидаги фаолияти механизминини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнесни ривожлантириш борасида банкларнинг ролини янада кучайтириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда, шунингдек ЯИМда экспорт, тармоқ ва соҳаларнинг

ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улушини ортиб боришига хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигини ёки фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш ҳақида гапиришдан олдин, бу тушунчанинг моҳиятига эътиборингизни қаратсак. Диверсификация - лотинча Diversification – ўзгариш, хилма-хил тараққиёт маъносини билдириб, у корхоналарнинг фаолияти соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турининг кенгайиши, янгиланиб туришини англатади. Диверсификация ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш, иқтисодий фойда олиш, банкротликка барҳам бериш ва бошқа мақсадларда амалга оширилади. Илгари бир соҳада ихтисослашган фирмаларнинг (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия ва ҳоказо) бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига, биринчи навбатда, юқори фойда берадиган соҳаларга кириб бориши уларнинг хўжалик фаолияти соҳалари ва имкониятларини кенгайтиради.

Корхоналар ўсиши ва ривожланиши учун 3 та асосий этапни ўз ичига олади.

1) битта миллий бозорда яқка ҳолдаги бизнесни концентрациялаш; 2) вертикал интеграция; 3) диверсификациялаш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини самарали ташкил этиш, юқори фойдалилигини таъминлаш, уларни барқарор ривожлантириш имкониятини туғдиради. Бизга маълумки, қишлоқ хўжалигида меҳнат ва маҳсулот етиштириш мавсумий характерга эга бўлганлиги ва табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги сабабли фермер хўжаликлари даромадининг кўп ёки оз бўлиши бевосита йилнинг қулай ёки ноқулай келишига боғлиқдир. Об-ҳаво ноқулай келган вақтда хўжаликларнинг оладиган даромади кескин камайиб кетиб, йилни зарар билан яқунлашлари эҳтимоллари юқоридир. Шунингдек, ўсимликлар ва чорва моллари турли касаллик ва зараркунандалар тарқалиши, бозордаги талабнинг ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг паст бўлиши, ёнилғи мойлаш материаллари, минерал ўғитлар баҳоларининг ортиб кетиши, баъзи турдаги иш ва хизматлар бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар

томонидан қўйиладиган юқори нархлар фермер хўжаликлари даромадининг пасайишига, тўловга лаёқатсиз қилиб қўяди. Бундай шароитда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан биргаликда ўз хўжаликларида ноқишлоқ хўжалик фаолиятини ривожлантириши лозим бўлади. Бундай фаолият турларига қўйидагилар киради:

- етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;
- қишлоқ жойларда маданий-маиший ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатиш;
- савдо-сотик;
- касаначилик, хунармандлик;
- қурилиш хизматлари ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3706-сон Фармони ва ушбу Фармонни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 4-сонли қарори қабул қилинди. Президент Фармонида саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш йўлга қўйиш, уларга солиқ ва турли тўловлар бўйича имтиёзлар белгиланди.

Бухоро вилояти фермер хўжаликларида чорвачилик ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун кенг имкониятлар бўлишига қарамай, барча тизим хўжаликларида етиштирилган чорва маҳсулотларининг: гўштнинг 1,8 фоизини, сут етиштиришнинг 3,3 фоизини, тухум етиштиришнинг атиги 0,5 фоизини ва қоракўл тери етиштиришнинг 7,3 фоизини ташкил қилади холос.

Кузатишларимиз натижасида вилоятда атиги 5,6 % майдонда чорва озуқа экинлари экилганлигини аниқладик. Вилоятда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш аксарияти шахсий хўжаликларга тўғри келади. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилганини ҳисобга олган ҳолда, аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тўларок қондириш мақсадида бу соҳани ҳам ривожлантириш зарурдир. Шу мақсадда пахта майдонларини камайтириб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга катта эътибор бериб, фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш мақсадга мувофиқдир. Экстенсив диверсификация корхонанинг ўсишини пасайтиради. Биз интенсив диверсификациялаш яъни хўжаликларнинг бор имкониятларидан самарали фойдаланиб, юқори фойдага эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Интенсив диверсификациялашнинг самарадорлиги таҳлилини қуйида кооперативга бирлашган хўжаликлар мисолида очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ушбу ҳолат:

- фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг ташкилий-иқтисодий фаолияти қандай ташкил этилганлигини доимий баҳолаш учун ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб боришни;

- фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашда кишлок хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари яъни, биологик жараён ва табиий - иқлим шароитлари, иқтисодий ва ташкилий омилларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Шунингдек, фермерлар ўз маҳсулотларини бозорда сотишда кучли рақобатга дуч келган ҳолда, улар ишлаб чиқариш ресурсларини одатда маълум даражада монополлашган бозордан сотиб оладилар. Бу эса, фермер хўжаликлари харажатларининг сезиларли даражада ошиб кетишига таъсир кўрсатмоқда.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар макродаражадаги ташқи ва микродаражадаги ички (объектив ва субъектив) омилларга бўлиб ўрганилди. Фикримизча, фермер хўжаликлари ишлаб

чиқариш самарадорлигига аксарият ҳолларда ички омилларнинг таъсири юқори бўлиб, аксарият салбий ҳолатлар улар билан боғлиқдир.

3.2.1.Расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.

Таҳлиллар кўрсатишича, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги муҳим омиллардан бири - ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви оқибатида унумдорликнинг пасайиб кетиши кўзатилмоқда.

Қашқадарё вилоятида 2011 йилда вилоятда кучсиз шўрланган ер майдони 40,3 фоиз - 171,4 минг гектарни, ўртача шўрланган ер майдони 14,9 фоиз - 53,6

минг гектарни ва кучли шўрланган ер майдони 3,8 фоиз - 15,4 минг гектарни ташкил қилган эди. Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигига ер унумдорлигининг пасайиб кетиши бевосита салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ўрта товар ишлаб чиқарувчилар қатлами ҳисобланган фермер хўжаликларини янада ривожлантириш давлат раҳбарлигида иқтисодий воситалар орқали қўллаб - қувватлашга асосланган бўлиши лозим. Бунда фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб - қувватлашнинг асосий вазифаси тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларига бошқа тармоқларга нисбатан устиворлигини таъминлашга ҳамда нисбатан бой ер ва сув шароитларида жойлашган фермер хўжаликларини иқтисодий рағбатлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикр ва мулоҳазалар бозор муносабатларининг шаклланишида аграр иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми ҳисобланган аграр соҳани ривожлантиришда фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг мукамал дастурини ишлаб чиқиш ўта муҳим муаммо эканлигини кўрсатади.

Қашқадарё вилоятида ҳозирги кунда фермер хўжаликларидан бири “Экологик тоза энергия” (Биогаз технологияларини ишлаб чиқариш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратган. Бу фермер хўжалигини биогаз ишлаб чиқаришга тузилган бизнес режасини кўриб чиқамиз. Ишлаб чиқараётган биогаздан ўнта хонадон ҳозирги кунда фойдалани келмоқда. Ҳозирги кунда кўплаб фермерлар ноанаънавий усулларни кўшиб олиб бормоқда бу янада даромадини оширишга олиб келади.

Қашқадарё вилоятининг Чирокчи тумани аҳолисини газ ва муқобил элкетр токи билан таъминлаш туманда ҳалигача долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Шу муаммони ижобий ҳал қилиш ва юқоридаги имтиёз ва кафолатлардан фойдаланган ҳолда, ушбу бизнес лойиҳани ҳаётга тадбиқ қилиш учун мен энг

аввало “Экологик тоза энергия” хусусий корхонаси фаолиятини расмий равишда йўлга қўймоқчиман. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Ўзбек -Хитой” савдо уйи ҳамда “Микрокредитбанк” ОАТБ нинг кичик бизнес субъектлари учун узоқ муддатга бериладиган имтиёзли инвестицион лойиҳаси хизматидан фойдаланиб, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда “Биогаз” йўналишидаги технологиялар олиб келиниши ҳамда ҳудуд аҳолиси ва қўшни туманлар истеъмолчилари эҳтиёжларини инобатга олиб, қайта тикланувчи экологик тоза энергия манбаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйишни режалаштирмоқдаман.

Келажакда “Экологик тоза энергия” хусусий корхонаси фаолиятида мамлакатимиз Президентининг инқирозга қарши чоралар Дастурида қатъий белгиланган, тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу бизнес лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида муаллиф томонидан айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин, бу борадаги ҳакамлар ҳайъатининг билдирган таклиф ва мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қиламан.

Юқоридаги мақсадга эришишда ҳамда Ўзбекистон газ ва муқобил элкетр энергия маҳсулотлари бозорида, “Экологик тоза энергия” хусусий корхонаси ўз ўрнига эга бўлиши ва келажакда маҳсулотларни кўни-кўшнилари учун энг замонавий техника-технологиялардан фойдаланган ҳолда, доимий равишда биогаз маҳсулотлари бозорини маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиб туриши, истеъмолчиларнинг биогаз маҳсулотлари ҳақидаги фикрларини инобатга олиб бориши ва келгуси режаларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб бориши, ишлаб чиқарувчилар шунингдек истеъмолчилар ўртасида “Экологик тоза энергия” хусусий корхонасининг рейтингини ошириш мақсадида турли ижтимоий лойиҳаларда қатнашиб бориши ва бу каби лойиҳа, акцияларнинг корхона

томонидан мустақил ташкил қилиниши “Экологик тоза энергия” хусусий корхонасининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган газнинг асосий қисмини етказиб бераётган ва нафақат Ўзбекистон, балки хорижий давлатлардаги миллионлаб истеъмолчиларни ҳам табиий газ билан таъминлаётган Қашқадарё вилоятида биогаз ишлаб чиқариш ҳақида сўз юритиш кимгадир мантиқсизлик бўлиб туюлар.

Кўриниш	Ким? (мижозлар)	Нима? (талаблар)	Қандай? (бизнинг хизмат)
Бугун	Аҳоли	Газ	Чорвачилик маҳсулотларидан биогаз ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш
Эртага	Аҳоли, умумий овқатланиш шахобчалари, фермер хўжаликлари.	Газ ва муқобил электр энергия.	Чорвачилик маҳсулотларидан биогаз ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш

Зеро воҳамизда минг-минг тонналаб органик чиқинди қайта ишлашни йўлга қўйсак ҳам вужудга келадиган биогаз ҳажми бугун қазиб олинаётган табиий газ ҳажмининг мингдан бирича ҳам бўлмайди. Аммо бир нарсани ҳисобга олиш керакки, биогаз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳудуд доимо тоза ва озода бўлади. Ён-атрофдаги ерларнинг унумдорлиги ошади. Ишсизлар иш топишади. Одамларнинг даромади кўмаяди.

Табиий хомашёлардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариладиган биогаз маҳсулотлар таннархи, худди шу каби табиий газ, яъни ички бозор маҳсулотлари таннархидан бирмунча арзонлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу бизнес лойиҳани амалга ошириш натижасида 6 киши тўлиқ иш билан таъминланади, бу дегани камида 6 та оиланинг ҳаёт тарзида ижобий ўзгаришлар бўлади.


3.2.1-Жадвал

Лойиҳанинг тўлиқ баёни ишни бошлаш учун керак бўладиган капитал (маблағлар манбаи)

Талаблар	Сони	Нархи	Ўз ҳисобидан
Биогаз технологияси	1та	2 000 000	2 000 000

“Экологик тоза энергия” хусусий корхонаси ташкил этиш учун:		300 000	300 000
Кўзда тутилмаган харажатлар.		200 000	200 000
Жами:		2 500 000	2 500 000

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қурилманинг ишлаш принципи қуйидагилардан иборат. Биринчидан , тоза гўнг ёки парранда чиқиндиларини ачитиш камерасига юклаб. Иккинчидан, 1:4 нисбатида сув қўшилади (80% намлик). Учинчидан, камера зич ёпилади. Тўртинчидан, керакли 50-55°C ҳарорат қизиткичлар ёрдамида таъминланади. Бешинчидан, биомасса тез-тез аралаштирилиб турилади, ҳарорат, босим ва муҳит кислоталилиги (РН) назорат қилиб турилади.



3.2.2.Расм Биогаздан фойдаланувчиларни умумий кўриниши

Аҳоли-80%, Фермер хўжаликлари-15%, Иссиқхона истеъмолчилари-5%.

3.2.2-Жадвал

Молиявий натижалар ҳисоботи.

Кўрсаткичлар	Мавсумий 1 йиллик фойда (сўмда)
Сотишдан тушган тушум	369 600 000
Сотилган маҳсулот таннархи	264 000 000
Иш ҳақи	16 610 880
Ажратма	4 152 720
Реклама	1 200 000
Транспорт харажатлари	5 000 000

Кўзда тутилмаган харажатлар	2 500 000
Солиқ 5%	16 500 000
Жами қилинган харажат:	309 963 600
Жами соф фойда:	59 636 400 сўм

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, бу бизнес лойиҳани хорижий ҳамкорлар орқали ҳаётга тадбиқ қилиниши натижасида, “Экологик тоза энергия” хусусий корхонаси Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани газ истеъмолчилари уюшмасининг, хўжалик ҳисобида атиги 1 % ни биогаз маҳсулоти билан таъминлаб чиққан даврда ҳам мавсумий тахминан **59 636 400** сўмлик даромад кўрсатгичи билан чиқиши, қолаверса келажакда корхона ўз фаолият доирасини кенгайтирган ҳолда вилоятнинг бошқа туманлари газ истемолчилари уюшмалари билан ҳамкорликда иш обориши мумкин. Ўз навбатида, “Экологик тоза энергия” хусусий корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 28-июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4232-сонли Фармонининг ижросини таъминлаб ҳамда имтиёзларидан фойдаланиб, ҳудудда яшаб истикомат қилаётган, “Экологик тоза энергия” хусусий корхонаси биогаз йўналишида ўз фаолиятини йўлга қўйиши натижасида қишлоқда замонавий иссиқхоналар ташкил этилади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади ҳамда қишлоқларимиз инфраструктурасининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пойдевори амалдаги бозор иқтисодиётининг таянч нуқталаридан бири бўлган кичик тадбиркорликни ноанъанавий турлари ва улардан самарали фойдаланиш, КБХТнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жараёни ишлаб чиқариш таркибининг маълум даражадаги нисбатини келтириб чиқаради ва иқтисодиёт субъектларида ихчам иқтисодий фаолият турини танлашга, бозордаги ўзгаришларга жавобан тезлик билан ўз фаолиятини ташкил этишга мойилликни шакллантириб боради.

Кичик тадбиркорликни ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар бозордаги талабга тез мослаша бориши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти; нисбатан қисқа муддатларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар ва хизматларга бўлган талабни кондирати олиши; дастлабки сармоя ҳажмининг нисбатан камлиги; тез орада янги ишчи ўринлари барпо этиш ва бандлик муаммосини ҳал этишга қўмаклашиш имконияти; бизнес эгасининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги бевосита иштироки ва бошқаларни киритиш мумкин.

Кичик тадбиркорни ноанъанавий турлари ривожланишнинг иқтисодий аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади:

- ишлаб чиқариш турларини ривожлантиради;
- ихчам ва мураккаб бўлмаган янги техника-технологияларнинг кенгайишига

олиб келади;

• йирик ишлаб чиқариш билан майда ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани кўчайтиради;

- аҳолининг иш билан бандлигини оширади;
- молиявий ресурсларнинг кўпайишига кўмаклашади;
- солиқ тушумларини оширади;
- миллий валютанинг ҳарид қобилиятини мустаҳкамлайди;
- аҳоли даромадларини оширади.

Кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади:

• мамлакатда сиёсий-иқтисодий барқарорликни таъминлайди;

• юртда тинчлик-тотувликнинг иқтисодий-психологик асосини таъминлашга хизмат қилади;

• ишсизлик муаммосини юмшатишга ёрдам беради;

• ёшларни касбий ва маданий камол топишига шароит ҳозирлайди;

• кишиларнинг меҳнат қилишлари учун қулайлик тўғдиради;

• кишиларда иқтисодий мустақиллик руҳининг шаклланиши ва ривожланишига объектив шароит яратади;

• Фаровон ҳаёт кечиришнинг моддий асосини яратилишига кўмак беради.

Худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муаммолар қуйидагилардан иборат:

2007-2013 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш ҳудудий дастурларида белгиланган асосий параметрларини бажарилмаяпти.

Маҳаллий ҳокимият органларининг кичик бизнес вакиллари билан ўзаро ҳамкорликдаги алоқалари етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришлари

учун бино, ер ажратиш, газ ва електроэнергия таъминотидаги узилишлар (коммуникациялар) ва ҳоказолар.

Касаначиликни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Касаначиликнинг келиб чиқиши йирик ишлаб чиқариш билан кичик ишлаб чиқаришнинг ўзаро кооперацияси натижаси бўлиб, касаначилар маълум доирадаги маҳсулотларни (хизматлар) ўзлари учун нисбатан қулай бўлган шароитларда ишлаб чиқаришлари ва шу орқали иқтисодий манфаатларини қондиришлари демакдир.

Ўзбекистонда касаначиликни янада жадал ривожлантириш учун қуйидаги аниқ амалий таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

- Касаначилик меҳнати бўйича янги иш жойлари ташкил этиш жойларидаги давлат бошқаруви органларининг доимий назорати остида бўлиши керак.

- Касаначилик меҳнати бўйича иш жойлари ташкил этганлик учун солиқ имтиёзларидан фойдаланишни қонунийлигини корхоналарни белгиланган график асосида текшириш чоғида алоҳида боб сифатида текшириб чиқиш лозим;

- Корхоналарнинг уларда касаначиликдан фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича статистик ва молиявий ҳисоботларини киритиш;

- Касаначиликни ташкил этиш фактларини ҳаққонийлигини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлаш.

Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, туман миқёсида Кичик тадбиркорни ривожлантириш учун туман хокими бош масъул шахс ҳисобланиши керак. Туман ҳокимлиги маҳалла қўмиталари ва фаоллари билан алоқа ўрнатиб, тегишли мутахассисларни жалб қилиш орқали:

- Кичик бизнесни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

- Кичик бизнеснинг аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллада кичик бизнесни ривожлантиришга масъул бўлган шахсларни белгилаш;

- маҳаллада ишсизлар сонини ва таркибини аниқлаш;

- уй фонди ва шароитлари имкониятларини ўрганиш;

- маҳалладаги касбкорлар таркибини аниқлаш;

- маҳаллада кичик бизнеснинг ихтисослаштирилган йўналишларини белгилаш.

Иккинчидан, йирик ва ўрта даражадаги ишлаб чиқариш корхоналари миқёсида:

- корхонада майда товар хўжалиги билан алоқаларини амалга оширувчи бўлимни ташкил этиш;

- уй шароитида ишлаб чиқариш мумкин бўлган бутловчи қисмлар ва хизматлар турини аниқ белгилаб олиш;

- шартнома шартларини табақалаштирилган тарзда ишлаб чиқиш;

- кичик бизнес билан боғлиқ бўлган қонунчилик ҳужжатларини кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар бериш;

- кичик тадбиркорлар учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиш;

- хом-ашё ва маблағлар билан етарли даражада таъминлаш;

- ҳақ тўлашни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш.

“Тадбиркорлик”, “бизнес”, “тадбиркорлик фаолияти”, “кичик бизнес” назарияларининг амалиётга тадбиқи юзасидан шакллантирилган илмий хулосалар шуни кўрсатдики, миллий иқтисодиётда тадбиркорлик муҳити ва унинг мамлакат ижтимоий–иқтисодий сиёсатида тутган ўрни хусусидаги Ғуломов С.С.нинг ҳамда Ғозибеков Д.Ғ.нинг инвестицияларни молиялаштириш масалаларига бағишланган илмий хулосалари Ўзбекистон амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси -Т.: Ўзбекистон, 1993. - 62 б.
2. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида Ўзбекистон Қонуни. Тошкент 21 декабр 1995й.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - Т.: 1998. - № 5-6.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Фермер хўжалиги тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - Т.: 1998. - № 5-6.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”. Ўзбекистон қонунлари. -Т.: Адолат, 1999.
6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”. Ўзбекистон қонунлари - Т.: Ўзбекистон, 1993.
7. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2000 йил 25 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари:

10. Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва ишбилармонликни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида. 1991 йил 29 октябрь.
11. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Халқ сўзи, 1994 йил 22 февраль.
13. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Халқ сўзи, 1998 йил 10 апрель.
14. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга

оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. №-2.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2006 йил 5 январь. //Халқ сўзи, 2006 йил 6 январь.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 11 апрель. //Халқ сўзи, 2005 йил 12 апрель.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 14 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил 16 июнь.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори. Тошкент, 2005 йил 15 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил 17 июнь.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 20 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил 21 июнь.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

20. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида. 1993 йил 7 январь.

21. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб қувватлаш давлат дастури тўғрисида. 1995 йил 28 сентябрь.

22. Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги низом. 1995 йил 14 феврал (1999 йил 7 июлдаги кўшимча ва ўзгартиришлар билан).

23. Деҳқон хўжаликлари ва аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида. 1998 йил 9 июль.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 14 февраль.

IV. Асосий адабиётлар:

25. “2013 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Президент Ислон Каримовнинг 2014 йилнинг асосий якунлари мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилда. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги мавзусидаги маърузаси // 2014 йил.

26. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.- Президент Ислон Каримовнинг 2010

йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // 2011 йил 21 январь.

27. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

28. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг 29. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

30. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

31. Салаев С., Файзуллаев Н., Таджиев Б.. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш. Рисола. Т.: Fan va texnologiya, 2011. Б.43

32. Файзуллаев Н.Б. Минтақаларда касаначиликни ривожлантиришнинг ўзига хос муаммолари. “Иқтисодиёт ва таълим”//Ж.-Т.:2011.2-сон.Б.59-61

33. Файзуллаев Н.Б., Султонов Ж. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ноанъанавий ва ностандарт шакиллари//УрДУнинг 75 йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуман материаллари. Урганч 2010 йил, 116-118 бетлар

34. Салаев С.К., Файзуллаев Н.Б. Кичик ва йирик бизнеснинг касаначилик асосидаги кооперацион алоқаларни моделлаштириш. “Иқтисодиёт ва таълим”//Ж.-Т.:2008. 4-сон.Б.82-85

35. Салаев С.К., Файзуллаев Н.Б. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни янгича таъсифлаш ва молиялаштириш муаммолари. Илим сарчашмалари.//Ж.-Урганч.:2004 йил,4-сон.52-62 бетлар.

36. Чжен В.А. Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими. Т.: Ўзбекистон, 1995.

37. С.С. Ғуломов. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Тошкент, ТошДАУ 1998.

38. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: “Шарқ”, 2002й.

39. А. Абдуллаев, Қ. Муфтайдинов, Х. Айбешов. Кичик бизнесни бошқа-риш. Тошкент, “Молия” 2003. 192 б.

40. Пулатова Р.Х. «Агросаноат мажмуасида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш» ўқув қўлланма ТошДАУ 2006 й.

41. Ғ.А. Саматов ва бошқ., “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш”, Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2005.- 507 бет.

42. А. Абдуғаниев, А.А. Абдуғаниев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси», 2004. – 346 бет.

43. Ў.Р. Умирзоқов., А.Ж. Тошбоев, Ж.Х. Рашидов, А.А. Тошбоев “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менеджменти”, Т. “Иқтисод-Молия” 2008й.

44. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Халқ сўзи, 1998 йил 10 апрель.

V. Интернет сайтлари

1. www.press-service.uz. -Президент сайти.
2. www.gov.uz. -Хукумат сайти.
3. www.pravo.uz. Законодательная база Республики Узбекистан.
4. www.uzreport.com. Новости Узбекистана.